

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГИК ЎРГАНИШ, САНОАТДА,
КОНЧИЛИКДА ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА ИШЛАРНИНГ
БЕХАТАР ОЛИБ БОРИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ
БУЙРУҒИ**

**ОСМА АРҚОНЛИ ЙЎЛОВЧИ ЙЎЛЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАРДАН
ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 30 августдаги 6-21/3-14375/6-сонли келишув хатига асосан техник хужжатлар қаторига киритилган)

Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги 538-сон “Ўз кучини йўқотаётган умуммажбурий идоравий хужжатларнинг ўрнига янги норматив-ҳуқуқий ва бошқа хужжатларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорга мувофиқ, **буюраман:**

1. Осма арқонли йўловчи йўлларнинг тузилиши ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилиб, норматив техник хужжат сифатида эътироф этилган кундан бошлаб кучга киритилсин ва кўпайтирилсин.

Бошлиқ

Б.В. Гулямов

Тошкент ш.,
2018 йил 17 август,
16/НТД-4 - сон

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш,
саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб
борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 17 август
16/НТД-4-сон буйруғига
ИЛОВА**

**Осма арқонли йўловчи йўлларнинг тузилиши ва улардан хавфсиз фойдаланиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сон “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2011 йил 11 майдаги 131-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тузилмасини янада

такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ осма йўллар куриш ва улардан хавфсиз фойдаланиш хавфсизлик қоидаларини белгилайди.

I боб. ОАЙЙ тузилишига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1-§. Умумий талаблар

1. Ҳаракатланувчи составнинг ҳаракат тезлиги 1-иловада кўрсатилган меъёрлардан ошмаслиги шарт.

2. Узлуксиз ҳаракатланувчи ҳалқали йўлларда ўриндиқларга (кабиналарга) ўтиришда энг қисқа вақт оралиғи 2-иловага мувофиқ белгиланиша зарур

3. Йўлнинг ҳаракатланувчи составини ҳисоблашда битта йўловчидан тушувчи юкломани қуйидагича қабул қилиниши зарур:

0,90 kN – бир ўриндиқли ҳаракатланувчи состав учун;

0,85 kN – икки ёки уч жойли ҳаракатланувчи состав учун;

0,80 kN – тўрт жойли ҳаракатланувчи состав учун;

0,75 kN – тўрт йўловчидан кўп сиғимли ҳаракатланувчи состав учун.

Йўлни тўлиқ ҳисоблаш учун бир йўловчидан тушувчи юкломани 0,75 kN тенг қилиб қабул қилинади.

4. ОАЙЙ иншоотлари ишламай турган пайтда шамол юкломаларига СНиП “Нагрузки и воздействия. Нормы проектирования” асосида ҳисобланиши зарур.

Лойиҳа ОАЙЙ шамолнинг камида қуйидаги тезликларидида ишлаши ҳолатларини эътиборга олган ҳолда ҳисобланиши керак:

20 m/s маятникли йўллар учун;

15 m/s айланма йўллар учун.

ОАЙЙ ишлашига рухсат этилувчи шамол тезлиги йўлнинг паспортида кўрсатилиши шарт.

5. Арқоннинг таянчга ишончли жойлашувини таъминлаш мақсадида қуйидаги шартлардан келиб чиққан ҳолатда йўлни лойиҳалаш зарур:

а) кўтарувчи ёки кўтарувчи-тортувчи арқоннинг тортилиши 40%га ошганда таянч башмакка ёки балансирга юклама ижобий (положительный) бўлиб қолиши керак;

б) балансирга кўтарувчи-тортувчи арқондан тушувчи юклама, ОАЙЙ соз ҳолатда ишлашининг энг ноқулай шароитларда 2000 N дан кам, таянч роликка эса 500 N дан кам бўлмаслиги шарт;

в) икки арқонли йўлларда кўтарувчи арқондан таянч башмакка тушувчи юклама, шамолнинг паст тарафдан босими 500 N/m қийматигача ҳолатларда ҳам ижобий бўлиши зарур.

6. ОАЙЙ барча иншоотларига ўтиш жойлари ёки ўтиш йўллари лойиҳада кўзда тутилиши лозим.

2-§. Материаллар, пайвандлаш ва пайванд сифатини назорати қоидалари

7. ОАЙЙ конструкциялари ва ускуналарини тайёрлаш учун, ОАЙЙ ишлаш тартиби, иқлимий шароитлар, ОАЙЙ қурилиши жойи, шамол таъсири, ўрнатилиш ҳудудининг сейсмик ҳолати ва бошқаларни эътиборга олган ҳолда материаллар техник бошқарув қўлланмалари (РТМ), Стандартлар, Шахарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНК) ёки ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотларининг ОАЙЙ лойиҳалаш, тайёрлаш, таъмирлаш ва қайта куриш йўриқномалари бўйича танланиши шарт.

8. Ишлатилувчи материалларнинг сифати ишлаб чиқарувчи заводнинг сертификати билан тасдиқланади. Сертификат йўқ бўлганда ёки тўлиқ бўлмаган ҳолатда эса, ускуналар ва металлконструкцияларни ишлаб чиқарувчи томонидан барча зарурий текширувлар ўтказилади ва материаллар сертификатлари йўқ ҳолатда сертификат ўрнини босувчи ёки материаллар сертификатларида камчиликлари мавжуд бўлган сертификатларни тўлдирувчи далолатномалар билан расмийлаштиради.

9. ОАЙЙ металлконструкцияларини пайвандлаш ишлари ҚМҚ-3.03.02-98 “Металл конструкциялар. Ишларни амлга ошириш ва қабул қилиш қоидалари” асосан ўтказилиши шарт.

10. ОАЙЙ металлконструкцияларини тайёрлаш, монтаж қилиш ва таъмирлаш ишларини, шу жумладан нарвонлар, тўсиқлар, бикирлик қовурғалари ва бошқа элементларни пайвандлаш

ишларини амалга ошириш учун, пайвандчиларни аттестациялаш Қоидаларига мувофиқ имтиҳонларни муваффақиятли топширган пайвандчилар жалб этилиши зарур.

11. Пайванд бўғинларининг сифатини белгилаш меъёрлари, назорат турлари ва шакллари ихтисослаштирилган лойиҳаловчи ташкилотнинг ОАЙЙ лойиҳалаш, тайёрлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш TSh асосида белгиланиши шарт.

3-§. Режа, профиль ва яқинлашув габаритларига талаблар

12. Арконли йўлнинг темир йўллар, электр узатув тармоқлари, дарёлар, каналлар ёки бошқа сув тўсиқлари, шосселар билан кесишуви ёки уларга параллел жойлашуви, иншоотлар устидан йўлнинг қурилиши, ҳамда таянчлар ва бекатларнинг аэродромлар яқинида жойлаштирилиши тегишли ташкилотлар билан келишилган бўлиши шарт.

Очиқ ҳаракатланувчи составли ОАЙЙ мактаблар, боғчалари ва бошқа болалар иншоотлари худуди устидан ўтказилиши маън этилади.

13. ОАЙЙ профилини ишлаб чиқаришда ҳаракатланувчи составнинг ёки йўлнинг бирор бир арқони энг паст нуқтасидан вертикал бўйича масофа камида қуйидагича бўлиши зарур:

а) 3,0 m – ергача, одамлар бўлиши мумкин бўлган жойларда қор қатламини эътиборга олган ҳолда;

б) 2,0 m – ергача, одамлар бўлмайдиган жойларда қор қатламини эътиборга олган ҳолда, ҳамда дарахтлар чўққисигача ёки бошқа ерусти тўсиқларгача. Бекатларга яқинлашиш жойларида масофа 0,7 m гача камайтирилиши мумкин.

Ҳалқали йўллар учун, “а” ва “б” бандларида кўрсатилган масофалар, буюртмачи билан келишилган ҳолда йўлнинг алоҳида қисмлари учун, қор қатлами баландлигини эътиборга олмаган ҳолда (қор тозалаб турилиши шарти билан) ҳисоблашга йўл қўйилади;

в) 2,0 m – ОАЙЙ трассаси остидаги бино ёки иншоотнинг энг юқори нуқтасигача, ҳамда темир йўл, автомобил йўли ёки сув йўли габаритининг юқори қисмигача.

Айланма йўллар бекатларида ўтириш майдончалари чегарасида, бўш ўриндиқдан ўтириш майдончаларигача бўлган масофа 0.6-0.7 m атрофида бўлиши зарур.

14. Ўриндиқлар ёки яримочиқ кабиналарнинг айланма ҳаракатли йўлларда ҳаракатланувчи составнинг ост қисмидан ергача ёки сув сатҳигача вертикал бўйича максимал масофа 25 m дан ортмаслиги зарур.

Алоҳида жойларда, узунлиги таянчлар орасидаги масофа (пролет)нинг 1/4 қисмидан узун бўлмаган ҳолатларда, агарда ОАЙЙ лойиҳасида кутқарув ишларини ўтказиш учун ушбу масофани 40 m гача ошириш мумкин, агарда масофани қуйидаги қийматлардан ошмайдиган ҳолатга келтириш имкони кўзда тутилган бўлса:

8 m - кутқарув нарвонларидан фойдаланишда;

15 m - кутқарувчини йўловчи олдида ердан кўтарилишида;

25 m - кутқарувчини йўловчи олдида арқон бўйлаб келишида.

15. Йўлнинг энг паст нуқталарини белгилаш даврида статик осилиб туриш (противовес)нинг ҳисобий қийматига иш жараёнида динамик юкламаларни ҳисобга олувчи қўшимчалар эътиборга олиниши зарур. Ушбу қўшимча этиб қуйидагиларнинг энг катта миқдори ҳисобга олинади:

кўтариб турувчи арқоннинг ушбу нуқтадаги энг катта осилиб туришининг 5%;

тортувчи ёки кўтарувчи-тортувчи арқоннинг ушбу нуқтадаги энг катта осилиб туришининг 10%.

16. Маятниксимон йўлнинг изи (колеяси)ни ҳисобга олишда, иккала вагонни колеянинг ички тарафига $11^{\circ}30'$ оғганида, вагонлар орасидаги тирқиш, вагон ва кўтарувчи арқон орасидаги тирқиш, вагон ва тортувчи арқоннинг орқага қайтувчи қисмидаги тирқиш камида қуйидагича бўлиши керак:

таянчлар орасидаги масофанинг узунлиги 300 m гача бўлганда – 1 m;

таянчлар орасидаги масофанинг узунлиги 300 m дан ортиқ бўлганда – 1 m + 0,2 m ҳар бир қўшимча (тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган) 100 m ораликга.

17. Айланма йўлнинг изи (колея)ни ҳисоблашда, ўриндиқлар (кабиналар) из ичкарасига $11^{\circ}30'$ оғганида улар орасидаги тирқиш қуйидагича бўлиши зарур:

таянчлар орасидаги масофанинг узунлиги 200 m гача бўлганда – 1 m;

таянчлар орасидаги масофанинг узунлиги 200 m дан ортиқ бўлганда – 1 m + 0,2 m ҳар бир қўшимча (тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган) 100 m ораликга.

18. Маятникли йўл вагонининг йўналтирувчиси теггунича оғдирилган ҳолатда бекатлар ва

таянчлар конструкцияларига чамаси бўлган масофа қуйидагилардан кам бўлмаслиги зарур:

0,3 m – одамлар бўлмайдиган жойларда;

1,0 m – одамлар бўлиши мумкин бўлган жойларда.

19. Айланма йўлларда таянч ва ўриндик (кабина) орасидаги масофа уларни $11^{\circ}30'$ оғдирилганида 0.3 m дан кам бўлмаслиги шарт.

20. ОАЙЙ четларига иншоотлар ёки табиий тўсиқларнинг яқинлашуви масофаси камида 1,0 m бўлишига йўл қўйилади.

Маятникли йўлнинг габаритларини белгилашда йўлнинг ишлаши вақтида вагонларнинг шамол таъсиридан оғиши, кўтарувчи, тортувчи ва бошқа арқонларнинг йўл тўхтаб турган ҳолатларидаги тирқишлари ва оғишлари, ҳамда ОАЙЙ жойлашиш жойидаги шамол меъёрий таъсири эътиборга олинishi зарур.

Айланма йўлларда ўриндиклар (кабиналар)нинг ОАЙЙ жойлашиш жойидаги шамол меъёрий таъсири остида оғишлари эътиборга олинади.

21. ОАЙЙ бекатлари режа бўйича битта тўғри ўқ бўйлаб жойлашиши зарур. Арқонни таянчдан оғиши режада 30'дан ошмаслигига рухсат этилади.

4-§. Арқонларга талаблар

22. Арқонли йўлларда ишлатилувчи пўлат арқонлар, “В” маркасидаги симдан тайёрланган, амалдаги давлат стандартларига жавоб беришлари ва ишлаб чиқарувчи заводларнинг сертификатларига эга бўлишлари зарур.

Кўтарувчи, кўтарувчи-тортувчи, тортувчи, тарангловчи ва вант арқонлари, уларни осидан олдин арқонларни текшириш станциясида синовдан ўтказилиши шарт.

23. Кўтарувчи арқонлар сифатида ёпиқ конструкцияга эга ёки кўп ўрамали (многопрядный) металл ўзакли арқонлар ишлатилиши зарур.

24. Кўтарувчи арқонни тарангловчи арқонлари сифатида уч каррали чулғамланган арқонлардан фойланиш зарур.

25. Кўтарувчи-тортувчи, тортувчи ва тарангловчи арқонлар сифатида симлари чизикли тегиб турувчи бир томонлама ўралган чулғамли ва нометалл ўзакли арқонлар фойдаланилиши шарт. Кўшалок ўралган арқонлардан фойдаланишга йўл қўйилади.

26. Байт арқонлари сифатида ёпиқ конструкцияга эга ёки кўп чулғамли металл ўзакли арқонлар ишлатилиши зарур.

27. ОАЙЙ фойдаланилувчи арқонлар ҳисоблаш йўли билан текширилган бўлишлари зарур. Арқон мустаҳкамликка қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$P/S \geq K$$

Бу ерда: **K** – мустаҳкамлик захираси коэффиценти (3-илова);

S – арқоннинг энг катта тортилиб турилиши, 123, 124-бандларга мувофиқ белгиланади.

ОАЙЙ лойиҳалаш даврида арқоннинг узилиш кучланиши давлат стандарти бўйича белгиланади.

Агарда сертификатда ёки синов гувоҳномасида барча симлар сонини умумий (йиғма) узилиш кучланиши келтирилган бўлса, **P** кучланиши суммар узилиш кучланишини 0.83 га ёки танланган арқоннинг давлат стандартида келтирилган коэффицентга кўпайтирилган ҳолда аниқланиши зарур. Ёпиқ арқонлар учун коэффицент 0.9 га тенг деб олинади.

Юқори бекат юритувчи йўлларда, пастки бекатда жойлашган тарангловчи қурилмага келувчи арқонлар учун мустаҳкамлик захираси коэффиценти камида 0.9 деб қабул қилиниши зарур.

28. Кўтарувчи арқоннинг тортилиб туришини (таранглигини) аниқлашда қуйидагиларни эътиборга олиши зарур: посонги (противовес)нинг массаси, арқоннинг оғирлигини ташкил қилувчисини (составляющая), тарангловчи қурилмалар ва башмақлардаги қаршилик кучларини, арқоннинг икки учи якорланган (лангарларган) ҳолатларда эса: ҳароратнинг таъсири, арқон ташкил қилувчи оғирлигини, арқоннинг эгилувчанлиги ва юкланганлиги, башмақлардаги қаршиликлар. Вагонни тутувчи мослама ишлаган ҳолатидаги инерция кучлари ва тормозланиш кучланишлари эътиборга олинмайди.

29. Кўтарувчи-тортувчи ва тортувчи арқонларнинг тортилиб туришини (таранглигини) аниқлашда посонгининг оғирлиги, арқоннинг оғирлигини ташкил қилувчисини ва ҳаракатланувчи состав оғирлигини, тарангловчи қурилмалар, таянч роликларда ва бекат

шқивларидаги қаршилиқлар эътиборга олинади.

30. Тортувчи (шатақловчи) қурилмаларнинг арқонлари пўлатдан, полимер материаллардан ёки комбинациялашган материаллардан бўлиши мумкин.

31. Пўлат арқонларни нуқсонлаш (брак) 4-иловадаги меъёрлар бўйича ўтказилади. Арқонларнинг хизмат муддати, арқонли йўл лойиҳасини тузган ташкилот томонидан, маҳаллий шароитларни эътиборга олган ҳолда, белгиланади.

5-§. Арқонларнинг маҳкамланиши ва уланишига талаблар

32. Кўтарувчи арқоннинг ҳар бир учи муфта ёки якор барабани воситасида маҳкамланиши шарт.

33. Ёпиқ конструкцияли кўтарувчи арқон, муфтага қотишмани қўйилиши ёки пона ёрдамида маҳкамланиши зарур.

Кўтарувчи, тортувчи ва тарангловчи арқонлар сифатида қўлланилувчи кўп чулғамли арқонлар муфтага қоришмани қўйилиши йўли билан маҳкамланади.

34. Арқонларни қисқичлар билан маҳкамлашда, тарангловчи арқонни посонги ёки тарангловчи (тарангловчи) аравача билан уланишида, ҳамда тортувчи арқонни вагонга маҳкамлашда йўл қўйилади. Тарангловчи арқонни маҳкамлаш учун понали втулкалардан (парчинланган ёки штампланган) фойдаланишга йўл қўйилади.

35. Муфта ва поналар пўлатдан тайёрланган бўлишлари шарт.

Муфталарда арқоннинг диаметри, муфта ҳисобланган кучланишлар кўрсатилган ишлаб чиқарувчи заводнинг тамғаси, ОТК тамғаси ва заводдан чиқиш рақами кўрсатилиши зарур. Қуйма ва пайвандланган муфталардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

36. Кўтарувчи ва тарангловчи арқонларни алмаштириш ёки кичрайтирилишида янги учлардаги ва ўтувчи муфталар қўйилиши зарур.

Тортувчи арқонларни алмаштириш ёки кичрайтиришда ишлатилган муфталардан фойдаланишга йўл қўйилади, агарда улар арқонни ечишда қиздирилмаган ва шиккастланмаган бўлса.

37. Кўтарувчи арқоннинг учи барабанга маҳкамлаган ҳолатларида, арқоннинг ўрамлари (виток) сони учтадан кам бўлмаслиги зарур. Ўрамлар бир қатор қилиб жойлаштирилиши шарт.

Арқоннинг барабандан тушувчи учи, иккита қисқич билан маҳкамланган бўлиши керак. Қисқичларнинг ҳар бири кўтарувчи арқоннинг ҳисобий таранглигининг камида 20%га тенг юкламага ҳисобланган бўлиши шарт.

38. Кўтарувчи-тортувчи ва тортувчи арқонни узайтиришда (срашивание) эшишлар (счалкалар) сони минимал бўлиши ва ишлаб чиқарувчи завод томонидан тайёрланган арқоннинг максимал узунлигидан келиб чиққан ҳолда бўлиши зарур.

Эшилган бўлак узунлиги камида 1300 арқон диаметрига тенг бўлиши керак. Иккита эшилган бўлаклари учлари орасидаги масофа камида 3000 арқон диаметрига тенг бўлиши зарур.

39. Вагонларнинг ҳаракатланиши участкаларида кўтарувчи арқонларни узайтириш (срашивание) га йўл қўйилмайди.

6-§. Тарангловчи мосламаларга талаблар

40. Кўтарувчи арқонни таранглиги посонги, ёки бошқа, белгиланган тарангликни таъминловчи, қурилмалар воситасида амалга ошириш зарур.

Арқон учлари лангарланганда тарангликни ростловчи қурилма кўзда тутилиши зарур.

41. Оралиқ таянчли маятникли йўлларда кўтарувчи арқонларни таранглаш учун, арқонни силжишини таъминлаш мақсадида, таянч башмакнинг икки баробар узунлиги +20 m узунликдаги қўшимча арқон узунлиги кўзда тутилиши шарт. Арқоннинг бу қисми барабанда ёки ундан ташқарида бўлиши мумкин.

42. Кўтарувчи-тортувчи арқонни таранглаш посонги (противовес), ёки бошқа, белгиланган меъёрдаги тарангликни таъминловчи қурилма воситасида амалга ошириш зарур. Иккита арқон бўлган ҳолатларда ҳар бир арқон ўзининг алоҳида тарангловчи қурилмасига эга бўлиши зарур.

43. Бир неча тарангловчи арқонлардан фойдаланилганда уларнинг бир маромда таранглиги таъминланиши шарт.

44. Посонгининг юриш йўли ҳар бир конкрет ҳолатда алоҳида, осилиш (провес)ларнинг максимал фарқи, кутилаётган ҳарорат ўзгаришлари, арқоннинг чўзилиши ва қолдиқ узайишлари, ҳамда посонгининг юриши йўлининг заҳираси камида 1 m деб олинган шартлар учун

ҳисобланади.

Посонгининг юриш йўли чегараланган ҳолатларда арқоннинг қолдиқ узайишлари эътиборга олинмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда фойдаланиш мобайнида арқон зарурат бўйича қисқартирилиши зарур.

45. Кўтарувчи-тортувчи ва тортувчи арқоннинг тарангловчи қурилмасининг йўли юкланишнинг ўзгаришлари оқибатида вужудга келувчи осилиб қолишлар (провес) қийматининг энг катта фарқидан, кутилаётган ҳарорат ўзгаришларидан ва арқоннинг чўзилишидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Айланма йўлларда 108-бандда кўрсатилган кутқарув ишларини ўтказиш мақсадида ҳаракатланувчи составни пастга туширилишини таъминлаш учун тарангловчи қурилманинг қўшимча узайиши кўзда тутилиши шарт.

Кўтарувчи-тортувчи арқоннинг қолдиқ узайишини ҳамда ҳароратнинг мавсумий ўзгаришларида арқоннинг узайишини компенсация қилиш мақсадида посонгини (унинг мавжуд бўлган ҳолатларида) лойиҳадаги вазиятга ўрнатувчи (кўтарувчи) мослама кўзда тутилиши зарур. Ушбу қурилма тарангловчи мосламанинг қўшимча узайишини ҳам таъминлаши зарур.

46. Тортувчи ва кўтарувчи-тортувчи арқонларнинг посонгилари ва аравачаларини эркин ҳаракатланиши таъминлаши шарт. Посонги ва аравачаларнинг йўли таянчлар билан чегараланиши ва учлардаги ўчирувчи мосламалар билан назорат қилиниши шарт.

Посонги билан девор орасидаги тирқиш йўналтирувчи томонидан камида 0.7 m, бошқа тарафлардан эса камида 0.5 m бўлиши шарт.

47. Посонгилар бетон ёки темирбетон плиталар шаклида, ҳамда, бетон ёки чўян блоклари билан тўлдирилувчи каркас яшиқлар шаклида бўлиши зарур. Қўшимча юк тариқасида посонгиларга темир занжирлар осилиши мумкин. Посонгиларни қўл билан тўлдиришда ҳар бир блокнинг вазни 30 kg дан ошмаслиги шарт.

Посонги ҳаракатланувчи майдон тўсилган бўлиши шарт. Агарда противовес чуқурчада (прямка) жойлашган бўлса, чуқурча сув, қор ва музнинг тушишидан ҳимояланган бўлиши зарур.

Посонгининг вазни ОАЙЙ паспортида кўрсатилган бўлиши зарур.

7-§. Барабанлар, шкивлар, роликлар, таянч ва йўналтирувчи башмакларга талаблар

48. Пўлат арқон айланиб ўтадиган барабан, шкив, ролик, ролик занжирининг таянч шинасининг рухсат этилган диаметри қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$D \geq d \cdot e$$

бу ерда: D – барабан, шкив, ролик, башмакнинг ўралган канатнинг ўқ чизиғи бўйича ўлчанган диаметри, мм; d – арқоннинг диаметри, мм; e – арқоннинг ва шкивнинг мўлжалланилишига қараб танланувчи коэффицент. Унинг минимал қиймати 6-иловада келтирилган.

49. Кўтарувчи арқоннинг таянч башмакининг эгрилиги радиуси арқоннинг 250 диаметридан кам бўлмаслиги шарт. Бунда қуйидаги шарт бажарилиши керак:

$$V^2/R \leq 2 \text{ m/s}^2$$

бу ерда: V — вагонларнинг максимал ишчи ҳаракат тезлиги, m/s;

R - башмакнинг эгрилиги радиуси, m.

50. Кўтарувчи-тортувчи ва тортувчи арқонларнинг юритувчи ва йўналтирувчи шкивлари, ҳамда кўтарувчи-тортувчи арқон учун роликлар, электрҳимоя ёки алоқа занжирлари таркибига кирувчи роликларидан ташқари, эластик материал билан қопланган бўлиши шарт.

51. Кўтарувчи арқонни лангарлаш учун барабан ёғоч ёки эластик материал билан қопланган бўлиши шарт.

52. Айланма йўлларни юритувчи ва айлантириб ўтказувчи шкивлари арқоннинг шкивдан тушиб кетишини олди олувчи конструкцияга эга бўлишлари ёки шундай мосламаларга эга бўлишлари шарт.

53. Тортувчи мосламалар ва бекатлар конструкцияларини шикастланишини олдини олиш мақсадида, шкивлар ва блоklar диаметрлари шундай танланган бўлиши керакки, ариқчасининг ости бўйича ҳисобланган марказдан қочма тезланиш 10 m/s^2 дан ошмаслиги зарур.

150. Роликли балансирларда ва алоҳида турувчи блок ва роликларда қуйидаги мосламалар бўлиши зарур:

- а) тортувчи арқонни йўлнинг ички тарафига тушишини олдини олувчи;
 б) тортувчи мосламаларнинг чайқалишини шундай чегараловчи мосламалар, бунда таянчга кўндаланг йўналишда $11^{\circ}30'$ гача бўлган оғиш билан яқинлашувчи осмалар йўналтирувчи воситасида, роликлар ва блокларни, кўндаланг йўналишда 6° гача оғиш билан ўтишлари таъминланади.

8-§. Ҳаракатланувчи таркибга талаблар

54. Вагонлар, кабиналар ва ўриндикларнинг кўтариб турувчи деталларининг мустаҳкамлиқ заҳираси (материалнинг вақтинчалик қаршилигини максимал статик юкланишлардан тушувчи зўриқишларга нисбати) 5 дан кам бўлмаслиги, бошқалар учун эса 2 дан кам бўлмаслиги шарт. Динамик кучланишлар таъсир этувчи деталлар чарчаш мустаҳкамлиқига ҳисобланган ҳолатда текширувдан ўтказилган бўлиши шарт.

55. Вагонларнинг шифтининг ихтиёрий нуқтасида жамланган 100 kg кам бўлмаган юкланишга, ҳамда уч кишидан тушувчи умумий юкланишга бардош бера олиши шарт.

56. Йўловчилар туриб кетадиган яримочиқ вагонлар ва кабиналарда баландлиги полдан камида 1.3 m бўлган тўр (сетка)лик ёки панжарали тўсиқлардан бўлиши зарур; йўловчилар ўтириб кетувчи яримочиқ вагонлар ва кабиналарда тўсиқлар баландлиги ўриндиклардан камида 0.5 m баланд бўлиши зарур.

57. Вагонлар эшиклари ичкарига очилиши ёки сурилиб очиладиган бўлиши шарт, ҳамда уларнинг ўзи очилиб кетишини олдини олувчи мосламаларга эга бўлиши зарур. Вагонлар эшиклари, вагон эшиклари очиқ пайтда юриб кетишидан муҳофаза қилувчи электр муҳофаза мослама билан жиҳозланган бўлиши зарур.

58. Вагон ичидаги деворларда белбоғлар бўлиши зарур.

59. Вагон полида ва шифтида 0.4×0.5 m ўлчамдаги люклар билан жиҳозланган бўлиши зарур. Полдаги люк қопқоғи вагон ичига, шифтдаги люк қопқоғи эса ташқари тарафга очилиши зарур.

Агар йўлда қутқарув вағони кўзда тутилган бўлса, йўловчиларни эвакуацияси учун асосий вагонларнинг ёнлари (торецлари)да камида 500×1500 mm (эни х бўйи) ўлчамли қўшимча эшиклар ёки ойналар кўзда тутилган бўлиши шарт.

60. Вагонда вагон томига чиқиш учун нарвон бўлиши зарур. Аравачани ва кўтарувчи арқонни кўриқдан ўтказилишини таъминлаш мақсадида атрофи тўсилган майдонча кўзда тутилиши шарт.

61. Вагон полининг фойдали майдони бир кишига 0.2 m² деб олиниши керак.

62. Вагонларда йўловчиларнинг максимал сонини ва вагоннинг юк кўтара олиши қобилиятини кўрсатувчи жадвал ёзув бўлиши зарур.

63. Арқонли йўлнинг вагонларида қуйидаги ҳолатларда кузатувчи бўлиши зарур:

а) вагон ичида жойлашган тутувчилар ёки бошқа қутқарув мосламалари бўлганда;

б) вагоннинг сиғими 10 йўловчидан кўп бўлган барча ҳолатларда.

64. Айланма йўлнинг кабинасининг ўлчамлари йўловчиларнинг кабинанинг ҳаракати вақтида тўсқинликсиз тушишларини ва чиқишларини таъминлаши зарур. Ўриндиклар билан таъминланмаган кабиналар полининг майдони: тўрт кишигача сиғимли кабиналарда бир кишига камида 0.3 m², ундан катта сиғимли кабиналарда 0.2 m² бўлиши зарур.

65. Ўриндик суянчиғи 8° бурчак оғишга эга бўлиши керак. Ўриндик эни бир кишига камида 0.5 m бўлиши шарт.

Ўриндиклар йўловчиларни ўриндикдан тушиб кетишидан ҳимоя қилувчи қаттиқ ёки эгилувчан кўндаланг тўсиқлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

66. Ўриндикнинг (кабинанинг) айланма йўл арқони билан туташган еридаги кучни қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$P \cdot \mu / N \geq K$$

бу ерда: P — қисқичнинг қисилиши кучи;

N – қисқични силжитувчи куч (динамик таъсирларни ҳисобга олган ҳолда);

K – заҳира коэффиценти (пружина қисқичлар учун 1,75, винтсимон қисқичлар учун 3,0);

μ - ишқаланишнинг келтирилган коэффиценти. У ишқаланувчи юзалар сони, қисқичнинг ички юзаси шакли ва конструктив жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда танланади.

Бунда арқоннинг сиқилишини солиштирма босими 300 kg/sm² дан ортмаслиги зарур.

Агарда ўриндиқ (кабина) иккита қисқичга эга бўлса, умумий заҳира коэффиценти пружина қисқичлар учун 2.2 ва винтсимон қисқичлар учун 3,0 бўлиши зарур. Қисқични сиқиш моменти қиймати паспортда келтирилиши лозим.

67. Битта тортувчи арқонга эга бўлган йўллар вагонлари, тортувчи арқон узилиб кетган ҳолатида кўтарувчи арқонни автоматик ушлаб илиб олувчи ушловчи мослама (ушлагич) билан жиҳозланиши шарт. Ушлагич вагон ичида жойлаштирилган қўл юритмаси ҳамда, ушлагич ишлаган ҳолатда йўлнинг юритмасини ўчирувчи контакт билан жиҳозланиши шарт.

Агарда тортувчи арқон узилган ҳолда вагон пастки бекатгача юриб бора олмаса, ҳамда бунда вагоннинг таянчлардан ўтиш тезлиги паспортда белгиланган чегаравий қийматлардан ошмаса, вагон ушлагич билан жиҳозланмаслиги мумкин.

68. Ушлагичнинг тормозловчи моменти шундай белгиланиши зарурки, профилнинг максимал оғишида ва максимал юкланишда вагон белгиланган йўлда тормозланиб тўхташи таъминланиши шарт. Бунда секинланиш ушлагичнинг ишлаши моментида 3 m/s^2 дан ортмаслиги шарт. Тормозланиш йўли ОАЙЙ паспортида кўрсатилган бўлиши зарур.

Ушлагич конструкцияси арқонни колодкалар билан сиқилиши кучини ростлаш имконини бериши зарур.

69. Вагон аравачасининг четки траверслари, аравачани кўтарувчи арқондан тушиб кетишини олдини олувчи, сақловчи шекаларга эга бўлиши лозим. Шека ўлчамлари (арқоннинг тепасидан пастга қараб ҳисоблаганда) камида кўтарувчи арқоннинг икки диаметрига тенг бўлиши зарур.

Таянчисиз маятник йўллар вагонлари аравачалари ҳимояловчи шекалар ўрнига, кўтарувчи арқонни қамраб турувчи скобалар билан жиҳозланиши шарт.

9-§. Юритма ва тормозларга талаблар

70. Тортувчи ва кўтарувчи-тортувчи арқоннинг юритувчи шкив билан илашишининг ишончлилийлиги коэффиценти, йўлнинг энг ноқулай юкланиши шароитларида (пастга юришдаги инерция кучлари ва тормозланишни эътиборга олган ҳолда) 1.25 дан кам бўлмаслиги шарт. Иккита тортувчи арқонли маятникли йўлларда ҳар бир арқоннинг илашишининг ишончлилийлиги коэффиценти суммар қиймати 1.1 дан кам бўлмаслиги шарт (барча юкланиш битта арқонга тушушини ҳисобланган ҳолатда).

71. Маятникли йўлнинг юритмаси, тезликни бекатларга яқинлашишида, ҳамда мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида кўрсатилган ҳолатларда таянчлардан ўтилишида секинланиши заруриятини эътиборга олган ҳолда, ҳаракатланиш тезлигини ростлаш имконини бериши шарт.

Вагонларнинг ўтириш майдончаси чегарасидаги ҳаракатланиши тезлиги 0.5 m/s дан кўп бўлмаслиги шарт.

72. Тезликни назорат қилиши тахогенератор ёки, зарурий назорат аниқлийлигини таъминловчи бошқа воситалар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

73. Маятникли йўлларда вагоннинг бекатга яқинлашишида машинистга (операторга) сигнал берувчи автоматик сигнализация ўрнатилган бўлиши зарур.

Сигнализация иккита мустақил ишловчи сигнал бериш воситаларидан ташкил топган бўлиши лозим.

74. Юритувчи шкивдаги тезланиши (секинланиш) йўлни ишга туширишда (тўхтатишда) б-иловада қуйида келтирилган қийматлардан ошмаслиги шарт.

75. Арқонли йўлнинг юритмаси ҳаракатланувчи составни ревизия қилиш режимида 0.5 m/s тезликдан ошмасдан ҳаракатланишини таъминлаши зарур.

76. Арқонли йўлнинг юритмаси ҳаракатланувчи составни линиядан қайтишини таъминловчи заҳира двигателига эга бўлиши зарур. Ушбу мақсадларда, эвакуация қилиш умумий вақти бир соатдан ошмаса, қўл юритмасидан фойдаланишга йўл қўйилади.

77. Янгидан лойиҳаланаётган арқонли йўлларда юритма иккита автоматик ишловчи колодкали ёки диск-колодкали ёпиқ турдаги тормозларга эга бўлиши зарур:

ишчи тормоз – двигател валида;

авариявий тормоз – юритувчи шкив валида ёки гардишида.

78. Мавжуд арқонли йўлларда қўлда бошқарилувчи авариявий тормоздан фойдаланишга руҳсат берилади.

79. 3 m/s тезликкача ўзи тормозланувчи йўлларда авариявий тормоз ва тезликни назорат қилиш воситаларини ўрнатиш шарт эмас.

80. Ҳар бир тормоз (ишчи, авариявий), энг оғир юкланиш шароитларида статик моментининг камида 1.25 баробар моментини бериши шарт.

81. Йўлнинг юритмасида, тезликни 20%дан ошишини олдини олувчи ҳимоя кўзда тутилган бўлиши, ҳамда ушбу ҳимоя авариявий тормозга таъсир этиши кўзда тутилиши шарт.

82. 178-банда кўзда тутилган ҳолатдан ташқари, авариявий тормоз қуйидагиларда ишга тушиши зарур:

авариявий ўчиргичга таъсир қилишда;

тўхташ пунктдан (маятникли йўлларда) ўтишда.

10-§. Таянчлар, бекатлар ва уларнинг жиҳозланишига талаблар

83. Арқонли йўл иншоотларини фундаменти ер сатҳидан камида 0.2 m га баландроқ бўлиши зарур.

Геология хизматларининг далолатномаси бўлган ҳолатларда таянчларни қоя асосларга (скальные основания) фундаментсиз қўйишга рухсат этилади.

84. Таянчлар конструкциясининг очик профили прокат металлининг қалинлиги 4 mm дан кам бўлмаслиги шарт; трубалар ва ёпиқ профиллар 2.5 mm дан кам эмас. Ёпиқ профилли таянчларнинг ички қисмига атмосфера ёғингарчиликдан ҳосил бўлган нам ва сув йиғилишига йўл қўйилмайди.

85. Таянчлар арқонларни кўтарувчи воситаларни осииш учун кронштейнларга эга бўлиши лозим.

86. Танчларга, башмакларга ва ролик балансирага хизмат кўрсатиш учун, атрофи тўсилган майдончалар билан жиҳозланган бўлиши зарур. Майдончаларнинг ўлчамлари таъмирлаш-профилактика ишларини хавфсиз ўтказилишини, айланма йўлларда эса – таянчдан кутқарувчиларни кутқарув воситалари балан бирга тўсқинликсиз ўтишларини таъминлаши шарт. Маятникли йўлларда, хизмат кўрсатувчи ходимни вагонда таянчга чиқиши учун майдончалар бўлиши зарур. Майдончанинг эни камидан 0.5 m бўлиши шарт.

87. Маятникли йўлларда таянчларга вагоннинг пастки қисми сатҳида, вагонни башмак ёки таянчнинг каллагига тегишини олдини олувчи махсус йўналтирувчилар ўрнатилган бўлиши лозим. Йўналтирувчилар шундай ўрнатилиши лозимки, вагон бўйлама йўналишда 20° га кўндаланг йўналишда эса 11°30' оғанда, вагон таянчга яқинлашишида йўналтирувчиларда баланга кўтарилмаслиги зарур.

88. Маятникли йўлларнинг 30 m гача баландликдаги таянчлари ҳар 8-12 m дан сўнг майдончаларига эга нарвонлар билан жиҳозланиши лозим. Танчларнинг баландлиги 30m дан юқори бўлганида нарвон пояли бўлиши ва майдончалар орасида камида 8-10 m баландлик бўлиши зарур. Нарвонларнинг эни 400 mm дан кам бўлмаслиги шарт. Зинапоялар орасидаги масофа 300 mm дан ошмаслиги лозим. Оғма зиналар (горизонтга оғиш қиймати 75° гача) панжара билан жиҳозланишлари, ясси, рифланган ёки силлик, йўналишли рельефга эга пўлат листлардан, ёки камида иккита стержендан ишланган зинапояларга эга бўлишлари шарт.

Вертикал зиналарда, ҳамда горизонтга 75° ортиқ оғишга эга бўлган зиналар баландлиги 5 m дан ортиқ бўлган ҳолларда, 3 m баландликдан бошлаб, ҳалқасимон кўринишидаги тўсиқларга эга бўлишлари шарт. Тўсиқлар бир биридан кўпи билан 800 mm масофада жойлашган бўлиб, камида учта бўйлама ясси полоса билан ўзаро боғланган бўлишлари лозим. Зинадан тўсиқгача масофа, ҳалқанинг радиуси 350-400 mm бўлганида, 700 mm дан кам 800 mm дан кўп бўлмаслиги шарт. Кесими 900 x 900 mm дан катта бўлган решеткасимон таянч ичидан ўтувчи зиналарда ҳалқасимон тўсиқлар жиҳозланиши шарт эмас.

Айланма йўлларнинг, баландлиги 15 m гача бўлган таянчларида ҳалқасимон тўсиқлар жиҳозланиши шарт эмас. Кесим 700x700 mm дан кичик бўлган таянчлар ичида нарвонлар жиҳозлашга йўл қўйилмайди.

89. Металл таянчлар ва бекат конструкциялари бўялган бўлиши лозим. Таянчлар номерланган бўлиши зарур.

90. Маятник йўлларда, кўтарувчи арқон ҳаракатланувчи таянч башмаклар антифрикцион материал билан қопланган бўлиши лозим. Таянч башмаклар роликлари тортувчи арқонларни улардан тушиб кетиши ҳолатларини олдини олувчи конструкцияга эга бўлишлари, ёки башмаклар, арқон тушиб кетган ҳолда уни роликка жойлаштирувчи махсус йўналтирувчилар

билан жиҳозланиши шарт.

91. Балансирлар, арқонни ерга тушиб кетишига ёки юқорига кўтарилиб кетишини (сиқувчи таянчларда) олдини олувчи мослама билан жиҳозланган ҳолатларда, фақатгина арқон роликдан чиқиб кетганида юритмани ўчириб қўйилишини таъминловчи мослама билан жиҳозлашга йўл қўйилади.

Арқон тушиб кетганида йўловчиларга шикаст етказмаслиги ва юритманинг ўчирилиши таъминланган ҳолатларда арқонни тушиб кетишини олдини олувчи қурилмалар қўйилмаслиги ҳам мумкин.

92. Маятникли йўлларда юритма, электржиҳозлар ва ўлчов жиҳозлари ёпиқ хонада жойлаштирилиши зарур.

93. ОАЙЙ бошқарув пульти бекатда ёпиқ хонада жиҳозланиши лозим. Маятникли йўлнинг бошқарув пульти ўтириш майдончаси ва трассани энг яхши кўринувчанлиги таъминланадиган жойда жойлашган бўлиши зарур.

94. Машиналар хонаси деворидан юритмагача ёки бошқа, техник хизмат кўрсатилиши лозим бўлган жиҳозларгача масофа, ҳамда жиҳозлар ва қурилмалар орасидаги ўтиш жойлари камида 800 mm бўлиши шарт. Зарурият бўйича майдончалар ва зиналар жиҳозланиши лозим.

Хизмат кўрсатилиши лозим бўлган механизмалар, жиҳозлар, электржиҳозлари, хавфсизлик қурилмаларига беҳатар ўтиш таъминланиши шарт.

95. Машиналар хонасининг эшиклари ўлчамлари, жиҳозларнинг энг катта ажратиб бўлмайдиган элементларини олиб кирилишини таъминлаши шарт. Зарурият бўйича катта деталарни олиб кириш учун махсус ўтиш жойлари кўзда тутилиши лозим.

96. Машиналар хонасида асосий жиҳозлар устида кўтарувчи-ташувчи воситалар кўзда тутилиши лозим. Очиқ бекатларда бундай воситалар ўрнатилиши шарт эмас.

97. Маятникли йўллар бекатлари хоналари, маҳаллий иқлимий шароитларни эътиборга олган ҳолда, иситилиши кўзда тутилиши лозим.

98. Бекатлар майдончалари ва уларга ўтиш йўллари, оёқларнинг сирпанишини олдини оладиган қилиб ишланган бўлиши зарур (чанғичилар учун йўллардан ташқари). Улар ер сатҳидан баланд этиб ишланган ҳолларда баландлиги камида 1 m бўлган панжара билан ҳамда қуйи қисми бўйича камида 0.1 m баланликгача тўсиққа эга бўлиши зарур.

Панжара билан жиҳозлаш имкони бўлмаган жойлардаги ўтириш майдончалари, одамларни йиқилишини олдини олувчи сеткалар билан жиҳозланишлари лозим.

99. Маятникли йўлларда ўтириш майдончалари эни, агарда фақатгина ўтириш ёки тушиш амалга оширилса энг камида 1.2 m бўлиши, агарда ўтириш ҳам тушиш ҳам бир жойда ўтказилса камида 2 m бўлиши лозим

6⁰ дан кўп қияликка эга бўлган жойлардаги майдончалар поғонасимон қилиб ишланиши зарур. Маятникли ОАЙЙ ўтириш майдончасининг узунлиги, вагонларни бекатларда тўхташида уларнинг бир текисда тўхтамаслиги эътиборга олган ҳолда белгиланиши керак.

100. Ҳалқали йўлнинг ўтириш майдончасининг эни, арқоннинг ўқидан тўсиқгача камида 2 m бўлиши зарур.

101. Ҳалқали йўлнинг ўтириш майдончасининг узунлиги йўлнинг ҳаракат тезлигига боғлиқ этиб танланади.

Ўтириш майдончаси узунлигининг ҳаракат тезлигига нисбати камида 8-иловада кўрсатилганича бўлиши зарур.

Ўтириш майдончасининг қиялиги бурчаги 6⁰ дан ошмаслиги зарур.

102. Маятник йўллар бекатларида, вагонларнинг йўловчилар кириб-чиқишида чайқалишини чегараловчи йўналтирувчилар ўрнатилиши лозим. Вагон ва йўналтирувчи орасидаги тирқиш, нормал тўхташ жойда 50 mm дан ошмаслиги ҳамда вагоннинг чиқиш томонига, унинг бекатга киришида 11°30' оғишини эътиборга олган ҳолда кенгайиб бориши лозим.

Йўналтирувчилар шундай ўрнатилиши керакки, вагонларнинг пастки қисми йўналтирувчилар сатҳидан юқори кўтарилмаслиги зарур.

103. Маятникли йўлнинг бирор бир бекатида (асосан юритувчи бекатида) вагонларнинг аравачаларини кўриқдан ўтказиш ва таъмирлаш учун майдонча, ҳамда вагонларни кўтариш учун мослама бўлиши лозим.

104. Маятникли йўлнинг бошқарув пултида тезлик кўрсаткичи ҳамда вагонларнинг аниқ

жойлашуви кўрсаткичи ўрнатилган бўлиши зарур. Вагонлар жойлашувини кўрсаткичи, вагонларнинг фактик жойлашувини кўрсатилишини таъминловчи ростловчи билан таъминланади.

Тезлик кўрсаткичи ҳамда вагонларнинг жойлашуви кўрсаткичини ишга тушириш учун занжирли юритмалар қўлланилган ҳолда, занжирларни бўшашиб кетишини ҳамда боғланиб қолишини олдини оловчи тарангловчи мосламалар, занжирларнинг узилиши ёки тушиб кетганида эса йўлни тўхтатилишини таъминловчи қурилмалар кўзда тутилиши зарур.

105. Бекатларнинг очиқ жойларида ҳамда шамолнинг таъсири энг катта бўлган таянчларда, шамолнинг тезлиги ҳақида маълумотни бошқарув пультага юборувчи анеморумбометрлар ёки анемометрлар ўрнатилиши лозим. Шамолнинг тезлиги меъёрдан ошганда товушли сигнал берилиши шарт.

106. Маятникли йўлнинг ҳар бир бекатида вагонларни тўхтатиш учун ишчи ўчиргич ҳамда қайтадан кўтарилиши учун авариявий ўчиргич кўзда тутилиши лозим.

107. Ўтириш бекатларида ва бошқарув пультада йўлни авариявий тўхтатиш учун ўчиргичлар ўрнатилиши лозим.

108. ОАЙЙ барча айланувчи қисмлари, ҳамда 2.5 m баландликдан пастда бўлган арқонла тўсилган бўлиши лозим.

11-§. Қутқарув воситаларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

109. ОАЙЙ лойиҳасида йўлнинг иши бўзилган ҳолатларда, унинг жойлашиш жойи, мақсади ва иқлимий шароитларидан келиб чиққан ҳолда, йўловчиларни эвакуация қилиш усуллари ишлаб чиқилган бўлиши шарт.

110. Маятникли йўлларнинг вагонлари, йўловчиларни хавфсиз эвакуация қилинишини таъминловчи қутқарув воситалари (арқонли лебедка, қутқарув қоғи ёки белбоғи билан) билан жиҳозланиши лозим.

Маятникли йўлларда, вагондаги қутқарув воситаларидан ташқари, фойдаланиш шароитлари ва жойлашув рельефидан келиб чиққан ҳолда, вагондан ташқарида жойлашган (мустақил юритмали қутқарув вағони, таянч ёнида жойлашган захира тортувчи арқонли лебедка ва бшқ.) қўшимча қутқарув воситалари кўзда тутилиши лозим.

111. Айланма йўлларда йўловчиларни ерга олиб тушириш мақсадида, ўриндиқлар маҳкамланган кўтарувчи-тортувчи арқонли лебедка ёрдамида паслатиш мумкин.

12-§. Сигнализация ва алоқага қўйиладиган талаблар

112. Арқонли йўлнинг бекатлар орасида телефон, радио алоқа ва товушли алоқа кўзда тутилиши лозим. ОАЙЙ барча чизик таянчларида, бекатларни ўзаро боғловчи телефон тармоғига аппарат уланишини таъминловчи мослама бўлиши лозим.

113. Вагонни кузатиб борувчи билан юришида, вагон охириги ва биринчи станциялар билан алоқа қилиш учун радио ёки телефон алоқасига, ҳамда юритмани тўхтатиш учун мослама билан таъминланган бўлиши зарур.

13-§. Электр қурилмаларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

114. ОАЙЙ электр қурилмаларини ўрнатишда ва улардан фойдаланишда “Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидалари” (рўйхат рақами 1383, 2004 йил 9 июль), “Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари” (рўйхат рақами 1400, 2004 йил 20 август) ҳамда “Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари” талабларига риоя қилиниши керак.

115. Электр энергиясидан фойдаланадиган ташкилотларда ташкилот раҳбарининг буйруғи билан муҳандис-техник ходимлардан электр хавфсизлиги учун жавобгар шахс тайинланган бўлиши ва бу ходим электр хавфсизлиги буйича тегишли малака гуруҳига эга бўлиши шарт.

116. Электр хавфсизлиги учун жавобгар шахс кучланиши 1000 V ва ундан юқори булган электр ускуналарида хизмат кўрсатиши учун электр хавфсизлиги бўйича V малака гуруҳига, кучланиши 1000 V гача бўлган электр ускуналарида хизмат кўрсатиши учун эса, IV малака гуруҳига эга бўлиши талаб этилади. Жавобгар шахс даврий равишда ва ўрнатилган тартибда ташкилотда тузилган электр хавфсизлиги бўйича “Уздавэнергоназорат” инспекцияси инспектори иштирокидаги таркибида камида

уч кишидан иборат бўлган малака комиссияда синовдан ўтиши шарт.

117. Электр хавфсизлиги учун жавобгар шахс:

электр қурилмаларининг ишончли, тежамли ва хавфсиз ишлашини;

электр қурилмалари ва тармоқларида режали таъмирлаш ишлари ҳамда профилактик синовларнинг белгиланган муддатларда ўтказилишини;

электр энергияси сарфининг ҳисоби олиб борилишини;

ҳимоя воситалари ва ёнғинга қарши жиҳозлар мавжудлиги ҳамда уларнинг ўз вақтида синовдан ўтказиб турилишини таъминлаши керак.

118. Электр токи ўтказувчи қисмлар, тақсимловчи қурилмалар, аппаратлар ва ўлчаш асбоблари, шунингдек, турли сакловчи қурилмалар, рубильниклар ва бошқа ишга туширувчи аппаратлар ва мосламалар фақат ёнмайдиган асосларда монтаж қилиниши лозим.

119. Юқори намлик ва иссиқлик ажралиб чиқувчи хоналарда электр ёриткичлар намликдан, электр двигателлари эса суюқлик сачрашидан ҳимояланган бўлиши шарт.

120. Тақсимловчи қурилмалар изоляциясининг қаршилиги ва чидамлилиги текшириб турилиши зарур.

121. Ишлаб чиқариш бинолари ва маиший хоналарда қўлланилувчи люминесцент ёриткичлар ёпиқ ҳолда, намлик ва чанг ўтказмайдиган махсус арматурада бажарилиши лозим.

122. Кабеллар ва электр симларининг изоляцияси, ташқи бирикмалар, электр токидан ҳимояловчи ерга уланган симлар, электр двигателларининг ишлаш режими кўриқдан ўтказилиши ва ўлчаш асбоблари орқали текшириб турилиши керак.

123. Электр аппаратлари ва агрегатларининг ноль симига улаш ва ерга улаш симлари бутунлиги камида 6 ойда бир марта текширилиши, текшириш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилиши зарур.

124. Қуйидаги электр қурилмалари ноль симига улаш ёки ерга уланиши лозим:

кучланиши 380 V ва ундан юқори бўлган ўзгарувчан ток ҳамда 440 V ва ундан юқори бўлган ўзгармас токда ишловчи барча электр қурилмалари;

номинал кучланиши 42 V дан юқори, лекин 380 V дан паст бўлган ўзгарувчан ток ва 110 V дан юқори, лекин 440 V дан паст ўзгармас токда ишловчи юқори хавфли ташқи қурилмалар.

125. Номинал кучланиши 42 V гача бўлган ўзгарувчан токда ва 110 V гача бўлган ўзгармас токда ишлайдиган электр қурилмаларини ноль симига улаш ёки ерга улаш талаб этилмайди, металл конструкцияга ўрнатилган назорат кабеллари, куч кабелларининг металл қобиқлари ҳамда портлаш хавфи бўлган хоналардаги электр қурилмалари, пайвандлаш трансформаторининг иккиламчи чулғамалари бундан мустасно.

126. Битта электр штепселига бир нечта истеъмолчиларни улаш тақиқланади.

127. Чангларнинг статик электр разрядларидан алангаланиб кетмаслиги учун ускуналарнинг ғилофлари, асосий валлари ва ҳаво қувурлари ерга уланган бўлиши лозим.

128. Ҳаво қувурларининг филтрлари майда катакли металл тўр билан ўралган ва тўр ерга уланган булиши лозим.

129. ОАЙЙнинг бино ва иншоотлари яшин қайтаргичлар ўрнатилган ҳолда, тўғридан-тўғри яшин уришидан ҳимояланган бўлиши зарур. Яшиндан ҳимояланиш бўйича арқонли йўл иншоотлари III тоифага тааллуқлидир. Яшин қайтаргичлар ҳар йили баҳорги мавсумда текшириб турилиши, аниқланган носозликлар бартараф этилиши лозим.

130. Электр таъминотининг ишончилилик даражаси бўйича ОАЙЙ II тоифага тааллуқли бўлиб иккита мустақил таъминот манбаига эга бўлиши зарур. Заҳира таъминотнинг уланиш вақти бир соатдан ошмаслиги лозим.

131. ОАЙЙ арқонлари ерга уланган бўлиши шарт. Агарда тортувчи арқон сигнализация, вагонларни бошқариш ва ёритиш мақсадларида электр ток ўтказувчиси сифатида ишлатилса, уни ердан изоляцияланиши таъминланади. Бундай ҳолларда ушбу арқон учун разрядниклар қўйилиши кўзда тутилиши зарур.

132. Қоронғи вақтда ишлатилиши мўлжалланган маятникли йўл вагонлари ички ва ташқи ёритиш ускуналарига эга бўлишлари, қоронғида ишлаши мўлжалланган йўллар таянчлари ва бекатлари эса ёритгичлар билан жиҳозланиши зарур.

14-§. Техник кўриқдан ўтказиш талаблари

133. Монтаж қилингандан сўнг ҳамда ишлаётган ОАЙЙ камида ҳар 12 ойда техник кўриқдан ўтказилишлари, фойдаланишга топширилганларидан 10 йилдан сўнг эса тўлиқ текширувдан ўтказилишлари лозим. Кейинчалик йўл, ихтисослаштирилган илмий-текшириш ёки лойиҳа-конструкторлик ташкилоти томонидан ишлаб чиқарилган “ОАЙЙ техник кўриқдан ва тўлиқ текширувдан ўтказиш бўйича йўриқномалар”га мувофиқ тартибда ҳар 5 йилда кўриқдан ўтказилиши лозим.

Вагонларнинг тутқичларини синовдан ўтказиш “Маятникли осма арқонли йўл вагонининг ушлагичининг ишга тушишини ва тормоз кучини текшириш бўйича йўриқнома”га (11-илова) мувофиқ ҳар 6 ойда ўтказилиши зарур.

134. Навбатдан ташқари техник кўриқдан ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- а) йўлнинг реконструкциясидан сўнг;
- б) капитал таъмирдан сўнг;
- в) ҳалокат юз берган ҳолда;
- г) давлат инспектори талабига мувофиқ.

135. Навбатдан ташқари кўриқ ўтказилишида арқонли йўл эгаси ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотини жалб қилиши ва таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказиш учун тегишли ташкилотлари томонидан ўтказилишини таъминлаши лозим.

136. ОАЙЙ да текширувларни ташкил этиш, йўлни соз ҳолатини ва хавфсиз фойдаланилишини таъминлаш ва навбатдаги техник кўриқдан ўтказиш масъул шахс зиммасига юклатилади.

Даврий техник назоратдан ўтказишга ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилоти ёки ОАЙЙ таъмирлаш, созлаш ва монтаж қилишга ихтисослаштирилган ташкилот жалб қилиниши мумкин.

137. Техник кўриқдан ўтказишда йўл кўриқдан, ҳаракатланувчи составнинг статик текшируви, динамик текширувидан ўтказилади, ҳамда ўқув қутқарув операцияси ўтказилади.

138. Йўлни кўриқдан ўтказишда қуйидагиларнинг ҳолати текширилиши лозим: арқонлар, уларнинг маҳкамланиш ва уланиш жойлари, таянч ва йўналтирувчи башмақлар, шкивлар, роликлар, юритма ва унинг қисмлари, ҳаракатланувчи состав, бекатлар ва таянчларнинг кўтариб турувчи конструкциялари, ҳамда қутқарув воситалари.

Кўриқ мобайнида масъулиятли элементларнинг ейилиши даражаси аниқланади. Зарурат бўйича ейилган элементлар алмаштирилади ёки уларнинг алмаштирилиши муддатлари белгиланади.

139. Ҳаракатланувчи составнинг статик текшируви номинал юкламага нисбатан икки баробар юклама остида ўтказилади, навбатма-навбат қуйидагилар ўтказилади:

- вагонлар - 30 минут;
- ўриндиқлар (кабиналар) – 15 минут.

140. Маятникли йўлнинг динамик текширувдан ўтказилишида ҳар бир вагон ҳисобланган юкламанинг 1.1 баробар юкланишида учта цикл давомида номинал тезликда ўтказилади. Айланма йўллар динамик текшируви номинал тезликда ўтказилади:

узунлиги 600 m дан кўп бўлган йўллар учун – кўтарилиши томонидаги ҳаракатланувчи состави 90%ни, бутун йўл учун ҳар бир ўриндиқнинг ҳисобланган юкламасининг 1.2 баробар юкланиши остида юклаб;

узунлиги 600 m гача бўлган йўллар учун – кўтарилиши томонидаги ҳаракатланувчи состави 95%ни, бутун йўл учун ҳар бир ўриндиқнинг ҳисобланган юкламасининг 1.15 баробар юкланиши остида юклаб;

Айланма йўлнинг юкланган ўриндиқлари (кабиналари)нинг бекатлар шкивларини айланиб ўтиши камайтирилган тезликда (1.25 m/s да кам) амалга оширилиши зарур.

141. Техник кўриқдан ўтказилиш натижалари ОАЙЙ паспортига, кейинги техник кўрувни ўтказилиши муддати кўрсатилган ҳолда, техник кўриқни ўтказган масъул шахс томонидан ёзиб қўйилади.

142. Осма йўлларни қуриш ва улардан фойдаланишда қўлланиладиган ўлчов воситалари ўрнатилган тартибда метрологик текширувдан ўтказилиши ва Ўзбекистон Республикаси Ўлчов воситалари давлат реестрига киритилган бўлиши лозим.

143. ОАЙЙда қўлланиладиган техника қурилмалари саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги жиҳатидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий сертификатлаштирилиши керак.

II боб. Фойдаланиш қоидалари

1-§. Хизмат кўрсатишни ташкил этиш қоидалари

144. ОАЙЙ эгаси йўлни соз ҳолатда бўлиши ва йўллардан бехатар фойдаланилишини таъминлаши, тегишли ускунуларга зарур техник хизмат кўрсатилишини таъминлаши лозим.

Ушбу мақсадларда қуйидагилар амалга оширилиши зарур:

а) арқонли йўлни соз ҳолатда бўлишини ва бехатар ишлатилишини таъминлаш учун масъулиятли шахс (йўл бошлиғи) буйруқ асосида тайинланиши;

б) йўлга техник хизмат кўрсатиш учун керакли сонда, ОАЙЙ да ишлаш ҳуқуқига эга бўлган, ходим тайинланиши лозим ҳамда шундай иш фаолияти ташкил этилиши зарурки, хизмат кўрсатувчи жавобгар ходим, уларга белгиланган жиҳозлар устидан доимий назорат ва текширувлар орқали, кузатув олиб бориши юклансин. Назорат ва текширувлар натижалари смена журналларига киритилиб борилиши зарур;

в) таъмирлаш хизмати тузилиши ҳамда профилактик назорат ва таъмирлаш ишлари ташкил этиш;

г) ОАЙЙ белгиланган муддатларда техник кўрувдан ўтилишини таъминлаш;

д) Хизмат кўрсатувчи ходимларни ОАЙЙ бехатар ишлатилиши бўйича Йўриқномалар ва меъёрлари зарурий ҳажмда билишларини доимий текширувини таъминлаш;

е) ОАЙЙ мутахассисларини Қоидалар ва кўрсатмалар билан, хизмат кўрсатувчи ходимларни йўриқномалар билан таъминлашни;

ж) Раҳбарият томонидан Қоидаларни, хизмат кўрсатувчи ходим томонидан эса йўриқномаларнинг бажарилишини таъминлаш.

145. ОАЙЙ соз ҳолатда бўлиши ва хавфсиз фойдаланилишини таъминлаш учун масъулият, арқонли йўлга хизмат кўрсатувчи ходим бўйсунувчи муҳандис-техник ходимга буйруқ асосида юкланилиши лозим. Масъул ходимни тайинлаш бўйича буйруқнинг санаси ва рақами ОАЙЙ паспортида кўрсатилиши зарур. Ходимнинг таътилга чиқиши, иш сафарига кетиши ёки касаллиги мобайнида, унинг вазифаларини бажариш учун, Қоидалар бўйича билими назоратидан ўтган бошқа муҳандис-техник ходим тайинланади.

146. Ўз қарамоғида биттадан ортиқ ОАЙЙ бўлган ташкилотлар, ҳар бир йўлга алоҳида бошлиқ тайинламасдан, цехлар бошқаруви тизимидан фойдаланишлари мумкин.

147. ОАЙЙ соз ҳолатда бўлиши ва хавфсиз фойдаланилишини таъминлаш учун масъул ходим қуйидагиларни таъминлаши зарур:

а) йўлни соз ҳолатда бўлишини таъминлаш;

б) йўлга махсус билимларга эга бўлган ходим томонидан хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

в) хизмат кўрсатувчи ходим томонидан соз ҳолада бўлиши ва хавфсиз фойдаланилиш йўриқномаларини бажарилишини таъминлаш;

г) ОАЙЙ ўз вақтида таъмирланиши ва уни техник кўриқдан ўтказилишига тайинлаш;

д) хизмат кўрсатувчи ходимни йўриқномалар билан таъминлаш;

е) хизмат кўрсатувчи ходимнинг билимини домий синовдан ўтказиб туришни таъмилаш;

ж) аниқланган носозликларни ўз вақтида бартараф этиш.

148. ОАЙЙ соз ҳолати ва бехатар ишлатилиши учун масъул шахс қуйидагиларни бажариши шарт:

а) ҳар куни ОАЙЙ ишга туширилишидан олдин уни кўриқдан ўтказилишини ташкил этиш;

б) смена журналидаги ёзувларни ҳар куни текшириш ва унга имзо қўйиш;

в) ходимлар билан унинг малакасини оширишга қаратилган ишларни олиб бориш;

г) ОАЙЙ техник кўриқдан ўтказилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

д) ОАЙЙ паспортини ва фойдаланилиш йўриқномасини сақлаш.

149. Носозлик аниқланганида, ҳамда мазкур Қоидалар ва ОАЙЙ фойдаланиш йўриқномалари бузилганлиги аниқланган ҳолда, йўлнинг созлиги ва бехатар ишлатилиши учун масъул шахс ушбу носозликлар ёки камчиликларни бартараф этиш учун чоралар кўриши,

зарурат бўлса – йўлни тўхтатиши шарт.

Хусусан, ОАЙЙ қуйидаги ҳолатларда фойдаланилишига йўл қўйилмайди:

- а) техник кўриқдан ўтказилиш муддати ўтиб кетганида;
- б) сигнализация ва алоқа ускуналари ва жиҳозлари, қутқарув воситалари, ҳамда ҳимоя иншоотлари носозлиги ҳолатларида;
- в) ускуналар ёки металлконструкцияларнинг масъулиятли қисмларида дарз кетишлар бўлган ҳолатларда;
- г) арконларнинг ҳаддан ташқари ейилганлигида;
- д) тормозлар носозлигида;
- е) хизмат кўрсатиш учун малакали ходим бўлмаган ҳолатда;
- ж) ёмон об-ҳаво шароитларида.

2-§. Умумий фойдаланиш қоидалари

150. ОАЙЙ мазкур Қоидалар ҳамда лойиҳаловчи ташкилот (ишлаб чиқарувчи завод) томонидан ишлаб чиқилган фойдаланиш бўйича йўриқномаларга мувофиқ равишда фойдаланилиши лозим.

151. ОАЙЙ электр ускуналари Истеъмолчилар электр ускуналаридан фойдаланиш Қоидалари ва Истеъмолчилар электр ускуналаридан фойдаланиш даврида хавфсизлик техникаси Қоидаларига мувофиқ равишда амалга оширилиши зарур.

152. Бекатларда, кўринадиган жойларда қуйидаги кўрсатмалар осиб қўйилиши лозим:

- а) йўловчилар учун қоидалар;
- б) йўловчиларнинг ўтириши, тушиши ва йўлда ўзини тутиши тартиблари бўйича плакатлар;
- в) ҳаракат жадвали.

Айланма йўлларда, бекатлар яқинидаги таянчларда, йўловчиларни ўриндикларда (кабиналарда) ўзларини тутишлари қоидалари ва тушишга тайёрланиш ҳақида огоҳлантирувчи ёзувлар бўлиши лозим.

153. Вагонда бир рейсда ташиб кетилувчи йўловчилар сони, йўлнинг паспортида кўрсатилган вагон сиғимидан ортмаслиги шарт.

154. Маятникли йўлларда 14 ёшгача бўлган боларни юриши фақатгина вагонда кузатиб борувчи (проводник) ёки катта ёшли йўловчилар билан бирга рухсат этилади.

155. Бир жойли ўриндикларда катта ёшли йўловчилар қўлида битта олти ёшгача бўлган бола билан юриши мумкин.

156. ОАЙЙ маст ҳолдаги шахсларни юришига йўл қўйилмаслиги шарт.

157. Портловчи, тез алангаланувчи ёки заҳарли моддаларни йўловчилар билан биргаликда олиб ўтишга йўл қўйилмайди.

158. Айланма йўллар бекатларида йўловчиларни тушиши ва чиқиши, хавфсизликни таъминлаш мақсадида йўл хизматчиси назорати остида ўтказилади.

159. Йўлнинг ишга туширилишидан олдин йўл бўш ҳолатда ишлатиб кўрилиши лозим. Йўлни кўриқдан ўтказиш фойдаланиш йўриқномасига мувофиқ ўтказилиши лозим.

Йўловчиларни ташишни бошлаш, йўлда носозликлар ва ишлашда камчиликлари бўлмаган ҳолатдагина рухсат этилади.

160. Маятникли йўлларни ишга тушириш вагонларнинг проводниклари томонидан ишга тушишга тайёрлиги ҳақидаги сигнали билан амалга оширилади. Сигнал берилганидан сўнг йўловчиларнинг чиқиши ёки тушиши таъқиқланади.

161. ОАЙЙ йўловчиларни ташиш атроф муҳитнинг ҳарорати 12-иловада берилган қийматлардан паст бўлмаган ҳолатларда рухсат этилади.

3-§. Фойдаланиш бўйича ҳужжатларга талаблар

162. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 131-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ер қарини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси” Низомига асосан давлат инспекцияси республикада фойдаланишда бўлган ОАЙЙ ларни ҳисобга олади.

ОАЙЙ ларни ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:

ОАЙЙ қуйидаги ҳужжатлар бўлиши зарур:

йўлнинг паспорти;

тез ейилувчан деталлар ва ускуналар қисмлари чизмалари комплекти, куч занжирлари ҳамда бошқарув ва сигнализация занжирларининг принципаал ва монтаж электр схемалари;
 арқонларни бир-бирига улаш (счалка) бўйича йўриқномалар;
 арқонларни муфтларда қотишмалар билан қуйиб қотириш йўриқномалари;
 кўтарувчи арқонларни муфтларда поналар ёрдамида анкеровка қилиш бўйича йўриқномалар;
 йўлнинг мажбурий тўхтатилишида йўловчиларни эвакуация қилиш бўйича кўрсатмалар киритилган, ОАЙЙ фойдаланиш йўриқномаси;

лавозимлар йўриқномалари;

йўловчиларни ташиш қодалари;

ОАЙЙ жиҳозлари ва конструкциясини кўриқдан ўтказиш ва таъмирлаш графиклари;

ОАЙЙ кўриқдан ўтказиш ва таъмирлаш журнали (13-илова);

ОАЙЙ ишини учет қилиш ва сменаларни топшириш журнали (14-илова).

Йўлни кўриқдан ўтказиш ва таъмирлаш графиги йўлнинг эгаси томонидан, ОАЙЙ фойдаланиш йўриқномасига мувофиқ ҳолда тузилади.

163. Бошқарув пульти хонасида қуйидагилар бўлиши лозим:

ОАЙЙ жиҳозлари ва конструкциясини кўриқдан ўтказиш ва таъмирлаш графиги;

тормозлар, юритма ва вагоннинг ушлагичи кинематик схемалари;

бошқарувнинг принципаал электрик схемаси;

машинист учун йўриқнома;

сигналлар тавсифлари.

Осма йўллар қуриш ва улардан
 фойдаланишда хавфсизлик
 Қодаларига
 1-ИЛОВА

Харакатланувчи составнинг ҳаракат тезлиги

а) Маятникли йўлларда

| Йўл тури | Харакатланувчи составнинг ҳаракат тезлиги, m/s | |
|---|--|------------------------------|
| | проводникли вагонлар учун | проводникиз вагонлар учун |
| Икки арқонли маятникли таянчлар орасида таянчларни ўтишда | 12,5 8,0 | 6,3 5,0 |
| Бир арқонли маятникли: таянчсиз таянчли | | 8,0 5,0 |

б) Айланма ҳалқали йўлларда

| Йўл тури | Ҳаракатланувчи составнинг ҳаракат тезлиги, m/s |
|--|--|
| Ҳалқали узлуксиз ҳаракатлик: - кабиналар - ўриндиқлар - йўловчиларни чанғилари кийилган ҳолатда ташувчи ўриндиқли | 1,8 2,25 2,5 |
| Узилиб ҳаракатланувчи ҳалқали: - ўриндиқлар - кабиналар | 5,0 (линияда) 2,25 (бекатларда) 1,8 (бекатларда) |
| Оралик (бурчакдаги) бекатларда йўловчилик ўриндиқлар шкив атрофидан ўтганда | 1,6 |

Осма йўллар қуриш ва улардан
фойдаланишда хавфсизлик
Қоидаларига
2-ИЛОВА

**Узлуксиз ҳаракатланувчи ҳалқали йўлларда ўриндиқларга (кабиналарга)
ўтиришда минимал вақт оралиғи**

| Ҳаракатланувчи состав | Йўлдаги оралик, s | |
|--|-------------------|-----------------|
| | умумий мақсадли | чанғичилар учун |
| Бир жойли ўриндиқлар | 5,0 | 4,0 |
| Икки ёки уч жойли ўриндиқлар (бир вақтда ўтирувчи) | 8,0 | 6,0 |
| Тўрт жойли ўриндиқлар (бир вақтда ўтирувчи) | 10,0 | 8,0 |
| Икки жойли кабиналар (кетма-кет ўтиришда) | 10,0 | - |

Осма йўллар қуриш ва улардан
фойдаланишда хавфсизлик
Қоидаларига
3-ИЛОВА

Янги арқонларнинг энг кам мустаҳкамлик захираси коэффициентлари

| Арқон | Энг кам мустаҳкамлик захираси коэффициенти, к |
|---|---|
| Кўтарувчи | 3,3 |
| Кўтарувчи-тортувчи | 5,0 |
| Тортувчи, битта тортувчи арқонли йўлларида | 4,5 |
| Тортувчи, иккита тортувчи арқонли йўлларида | 5,5* |
| Қутқарув вағони учун тортувчи | |
| - ишчи ҳолатда | 4,5 |
| - ишсиз ҳолатда | 2,8 |
| Тортиб турувчи Натяжной | 5,5 |

| | |
|---|-----|
| Кабелни осиш учун арқон Канат для подвески кабеля | 2,5 |
| Вант учун | 2,5 |
| * ҳар бир арқон учун, тушаётган юклама улар орасида тенг тақсимланади деб ҳисобга олган ҳолда | |

Пўлат арқонларни яроқсизлаш меъёрлари

Спиралсимон ёпиқ конструкцияли арқонлар

1. Юзаки кўриқдан ўтказилганда ёпиқ конструкцияли арқон қуйидаги ҳолларда браковкаланади:

а) агарда арқоннинг икки метрлик узунлиги қисмида юқори қатламдаги симларнинг олтидан бир қисми узилган бўлса (узилишларни ҳисоблашда қайтадан узилишлар ҳисобга олинмайди);


б) агарда ўрамнинг бир қадами ўртасида икки ёки ундан кўп ёнма-ён жойлашган симлар узилган ва бу билан панцир қулфи бузилган бўлса;

в) алоҳида узилган симларнинг учлари арқондан чиқиб турса;

г) арқоннинг кўндаланг кесими деформацияланган бўлса (кўп ҳолларда башмақлар ўзида ёки уларнинг ёнида рўй беради), бу ички симларнинг кўплаб узилганлиги далолати бўлади.

Чулғамли арқонлар.

2. Фойдаланишдаги пўлат арқонлар, ўрамнинг бир қадами узунлигида симларнинг узилишлари сонига қараб яроқсизланади; бир хил диаметрли симлардан ишланган арқонни яроқсизлаш 1-жадвалда ва 1-расмда келтирилган маълумотлар бўйича амалга оширилади:



1-расм. Турли ўрамли арқонлар: I – Қўшалок (крестсимон); II – бир томонлама

Қиялик бурчаги кичик бўлган, тортувчи арқон узилган ҳолатда вагон ўзи пастки бекатгача ета олмайдиган йўлларда 1-жадвалда кўрсатилган браковкалаш меъёрлари икки баробар катта қилиб олинади.

3. Арқоннинг ўрамлари қадами қуйидагича аниқланади. Бирор бир чулғамнинг сиртига “а” белгиси қўйилади, ундан бошлаб арқоннинг ўқи бўйлаб, арқоннинг кесимидаги чулғамлар сонига тенг чулғамлар санаб ўтилади (масалан олтига чулғамли арқонда олтига) ва ҳисоблангандан кейинги чулғамда (ушбу ҳолда еттинчиси) иккинчи белги “б” қўйилади. Кўп чулғамли арқонларда чулғамлар ташқи қаватдаги чулғамлар сонидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

4. Ҳар хил диаметрли симлардан тайёрланган, 6x19=114 симли битта органик ўзакка конструкцияга эга арқонни яроқсизлаш 1-жадвалнинг биринчи устунда келтирилган маълумотлар бўйича олинди, бунда узилишлар сони яроқсизлашда шартли деб олинади. Узилишларни ҳисоблашда ингичка симнинг узилиши 1 деб қабул қилинади, қалин симнинг узилиши 1.7 деб ҳисобланади.

1-жадвал

Арқон ўрамнинг битта қадамида, арқон яроқсизланиши учун, симларнинг узилишлари сони

| Арқон конструкцияси | | | | | |
|-------------------------------|----------------------|--------------------------------|----------------------|----------------------------------|----------------------|
| 6x9=114 ва битта органик ўзак | | 6x37=222 ва битта органик ўзак | | 6x7x19=798 ва битта органик ўзак | |
| қўшалок ўрамли | бир томонлама ўрамли | қўшалок ўрамли | бир томонлама ўрамли | қўшалок ўрамли | бир томонлама ўрамли |

| | | | | | |
|---|---|----|---|----|----|
| 6 | 3 | 11 | 5 | 42 | 21 |
|---|---|----|---|----|----|

Масалан қўшалок ўрамли арқоннинг ўрами битта қадамида учта ингичка ва иккита қалин симнинг узилишлари бўлса, узилишларнинг шартли сони $3 \times 1 + 2 \times 1,7 = 6,4$, яъни 6 (1-жадвал) деб олинади, демак арқон яроқсизланади.

Муфтага арқонни қотирилиши жойида арқоннинг битта узилиши бўлса ҳам арқон яроқсизланиши лозим.

5. 1-жадвалда кўрсатилмаган конструкцияли арқонни яроқсизланиши аломати сифатида ўрамнинг битта қадамида симлар узилишлари сонини белгилашда, жадвал мазкур арқонга чулғамлар сони ва кесимдаги симлар сони яқин бўлган арқон учун маълумотлар олинади. Масалан: битта органик ўзакли $8 \times 19 = 152$ конструкцияли арқон учун 1-жадвалда энг яқин арқон битта органик ўзакли $6 \times 19 = 114$ конструкциядаги арқондир.

Яроқсизлаш аломатини белгилашда битта органик ўзакли $6 \times 19 = 114$ арқон учун 1-жадвалдаги маълумотларни (ўрамнинг битта қадамида узилишлар сони) 1.33 коэффициентига кўпайтириш керак ($96 : 72 = 1,33$), бунда 96 ва 72 – биринчи ва иккинча арқоннинг ташқи қаватларида чулғамлар сони.

Чулғамларнинг ташқи қаватларидаги симлар сони тегишли ГОСТдан белгиланади ёки тўғридан-тўғри арқоннинг ўзида ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

6. Арқоннинг ташқи қавати ейилган ёки симлар коррозияга учраган бўлган ҳолларда, яроқсизлаш учун белгиланаётган, ўрамнинг қадамида узилишлар сони қуйидаги маълумотларга мос равишда камайрилиши лозим:

| | | | | | |
|--|----|----|----|----|----|
| Сиртки қисмнинг ейилиши ёки коррозияси сабабли симларнинг диаметрини камайиши, % | 10 | 15 | 20 | 25 | 30 |
| Ўрам қадамида симларнинг узилиши сони, 1-жадвалда кўрсатилган меъёрларнинг фоизи | 85 | 75 | 70 | 60 | 50 |

Симнинг ейилиши ёки коррозияси сабабли кичрайиши, бошланғич диаметрнинг 40 % га етган ёки ортган ҳолатларда, арқон яроқсизланади.

Симларнинг диаметри ейилишини ёки коррозиясининг қиймати микрометр ёки бошқа зарурий ўлчам аниқликлигини таъминловчи ускуна ёрдамида аниқланади. Бунинг учун энг катта ейилиши жойида симнинг учи букиб олинади. Симнинг қолган қалинлиги букилган қисми ёнида, ундан кирни ва зангларни тозалаб, ўлчанади.

7. Ўрамнинг бир қадами узунлигида симларнинг узилишлари сони 1-жадвалда кўрсатилган қийматлардан кам бўлган ҳолларда ёки 3, 4, 5 бандларда кўрсатилган қийматлардан кичик бўлганида, ҳамда симнинг сиртини 40% дан кам, унинг узилмаганлигида, ейилишида арқон қуйидаги шартлар билан ишлатилишига рухсат берилиши мумкин:

а) унинг ҳолати устидан қатъий назорат қилиш ва кўриклар натижаларини журналга ёзиб боришда;

б) мазкур меъёрларда кўрсатилган қийматларгача ейилганда арқонни алмаштирилишида.

8. Кўтарувчи арқон сифатида ишлатилувчи металл ўзакли кўп тукли пўлат арқонларни яроқсизлаш мазкур илованинг 2-бандига мувофиқ амалга оширилади.

1-жадвал бўйича арқонларни яроқсизлаш крестсимон арқонлар учун белгиланган меъёрлар бўйича амалга оширилади.

**Арқоннинг ва шкивнинг мўлжалланилишига
 қараб танланувчи коэффициент**

| Арқоннинг номланиши | Барабан, шкив, ролик, башмак, шинанинг мўлжалланганлиги | Коэффициент е |
|----------------------------|--|----------------------|
| Кўтарувчи | Якорлаш (лангарлаш) учун барабан; арқон қўзғалмас ҳолатда ётувчи оғдирувчи бект башмаки | 65 |
| | Противовес билан бевосита боғланган арқонни йўналтирувчи шкив | 130 |
| | Арқон қўзғалувчан жойлаштирилган оғдирувчи бект башмаки; арқон бевосита противовес билан боғланган ҳолатида, арқонни йўналтирувчи ролик занжирни ушлаб турувчи шина. | 180 |
| Кўтарувчи-тортувчи | Юритувчи шкиви; айланиб ўтувчи шкив | 90 |
| | Таянч ролики | 12 |
| Тортувчи | Юритувчи шкиви | 80 |
| | Оғдирувчи шкив, бурчакларида, град.: | |
| | 30 ортик | 80 |
| | 20 дан 30 гача | 60 |
| | 10 дан 20 гача | 50 |
| 10 гача | 40 | |
| | Таянч ролики | 15 |
| Тарангловчи | Оғдирувчи шкив, йўлларда: | |
| | маятник | 80 |
| | айланма | 40 |
| | Йўл ишлаб турган вақтда арқон қўзғалмас ҳолатда ётувчи шкив, барабан, лебедка | 17 |

Осма йўллар қуриш ва улардан
фойдаланишда хавфсизлик
Қоидаларига
6-ИЛОВА

Йўлни ишга туширишда (тўхтатишда) юритувчи шкивдаги тезланиши (секинланиш)

| Йўл тури | нормал режимда m/s^2 | Ҳалокат тўхтатишда m/s^2 |
|-----------------|--|--|
| Маятникли | 1,0 | 3,0 |
| Айланма | 1,0 | 2,0 |

Осма йўллар қуриш ва улардан
фойдаланишда хавфсизлик
Қоидаларига
7-ИЛОВА

Ўтириш майдончаси узунлигининг ҳаракат тезлигига нисбати

| | Умумий мақсадли йўлларда | Чанғичилар учун йўлларда |
|-----------------------|-------------------------------------|-------------------------------------|
| Бир жойли ўриндиклар | 4 | 2 |
| Икки жойли ўриндиклар | 5 | 3 |
| Учта жойли ўриндиклар | 6 | 4 |
| Икки жойли кабиналар | 7 | - |

Фойдаланиш мобайнида регламент ишлари

1. Фойдаланиш мобайнида арқонли йўл ва унинг элементларининг регламент ишлари ишлаб-чиқарувчи корхона ёки лойиҳа тузувчи томонидан ишлаб чиқилган фойдаланиш бўйича йўриқномага мувофиқ амалга оширилади. Агарда йўриқномада тегишли бўлим бўлмаса, регламент ишлари ушбу Қоидаларнинг мазкур иловасига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2. Регламент ишлари вақтида қуйидаги турдаги ишлар амалга оширилади:

профилактика;

ревизия, шу жумладан техник кўриқдан ўтказиш;

таъмирлаш;

саноат хавфсизлиги экспертизаси.

Регламент ишлари натижалари кўриқдан ўтказиш ва таъмирлаш ишлари журнаliga киритилиши ва уларнинг ижрочилари томонидан имзоланиши зарур. Хавфсизлик жиҳозлари ва ускуналари учун регламент ишлари арқонли йўлнинг соz ҳолати ва бехатар ишлатилиши учун жавобгар шахс назорати остида амалга оширилиши лозим.

3. Профилактика ишлари деталларни тозалаш, консервация қилиш, мойлаш, алмаштириш ва ростлаш ишларини ўз ичига олади. Профилактика ишларини арқонли йўлнинг фойдаланилиши бўйича йўриқномага мувофиқ ҳолда амалга ошириш зарур.

Бажарилган профилактика ишлари назоратдан ўтказилиб тугатилиши шарт.

4. Ревизия ишлари таркибига деталлар, қисмлар, конструкциялар ва умуман арқонли йўл ўлчови, назорати ва фактик ҳолатини аниқлаш бўйича ишлар киради.

Ревизиялар маълум бир оралиқда ойига, йилига ва бир неча йилда бир марта ўтказилади. Ревизиялар ўтказиш бўйича тавсиялар лойиҳани ишлаб чиқарган корхоналар томонидан берилади. Ревизия натижалари йўлнинг бошлиғига ёзма ҳолда тақдим этилади.

Ревизия йўлдан фойдаланувчи ташкилот кучлари билан амалга оширилади.

5. Ҳар ойда ўтказиладиган ревизия ишлари қуйидагилардан ташкил топади:

кўтарувчи, кўтарувчи-тортувчи, тортувчи, тарангловчи арқонлар ва кутқарув ишларини ўтказиш учун арқонларни, уларнинг симларини узилишлари ёки бошқа ташқи шикастланишлар мавжудлигига қаратилган;

арқонларнинг боғланиш жойлари (масалан, узайтиришлар) ва арқон учларини маҳкамланишларини;

ҳаракатланувчи состав билан маҳкамланиш/узилиш жойларида арқонларнинг ва йўналтирувчиларнинг ҳолатларини;

роликлар, шкивлар ҳамда кўтарувчи арқоннинг таянч башмақларининг сиртини ҳолати, жойлашуви ва маҳкамланишини, ҳамда арқон ҳолатини назорати қурилмасини;

бекатлар ва трассадаги келиш ва кетиш жойларидаги назорат ускуналарини;

бекатларга ўриндиқларнинг кириб келиши, улардан чиқиб кетиши ҳамда бекатдан ўтишини;

тормоз ва тормоз накладкалари (устқўймалари)ни;

йўловчиларсиз ўриндиқлар тормозланиш йўли ва (ёки) тормозланиш вақтини ўлчаш орқали электрик ва электромеханик тизимларини, ҳамда тормоз кучини ростлаш вақтида қаршилиқларни;

электржиҳозларнинг ҳолати, бошқарув шкафлари ва пультларини ишлашини, ишлаб чиқарувчи завод ёки лойиҳаловчи ташкилот томонидан тавсия этилган ҳажмда текширувлари;

йўл тўхтатилганда ушлаб қолувчи тормознинг қўл билан бошқаруви, ҳамда ушлаб қолувчи тормоз ўчиргичининг ишлашини;

барча турдаги юритмаларда ҳаракатланишни;

хавфсизлик ускуналари (масалан илашиш назорати, секинланиш назорати, тормозларнинг ишга тушиши назорати, тезликнинг ошиши назорати қурилмалари)ни;

ҳаракатланувчи составнинг, эшикларни ёпиш ва фиксация қилиш мосламаларини,

скобаларни очиш-ёпиш мосламаларининг ташқи ҳолатини;

электраккумуляторларни;

эхтиёт қисмлари ва ускуналарни сақланиши режимини.

6. Арқонли йўл узок муддат тўхтаб турганидан сўнг ревизия ишлари қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

агарда йўл бир ойдан ортиқ муддат ишлатилмаган бўлса, уни фойдаланишга киритилишидан аввал 5-бандга мувофиқ равишда ҳар ойда ўтказиладиган ревизия ишлари ўтказилиши лозим;

агарда йўл ярим йилдан ортиқ муддат ишлатилмаган бўлса, 7-бандга мувофиқ равишда ҳар йилда ўтказиладиган ревизия ишлари ўтказилиши лозим.

7. Ҳар йилда ўтказиладиган ревизия ишлари мобайнида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

бекатлардаги иншоотлар ва трассадаги конструкцияларни, бетон, пўлат ва бошқа иншоотларни, кўтарилиш зиналари, зиналар орасидаги масофани (пролетларни), тўсиқлар ва иш майдончаларини юзаки назорати;

ҳар бир тормознинг юзаки назорати ҳамда максимал юкланишда, турли ишга тушириш қурилмалари ва барча юритма турларида ишлашини назорати, назорат натижаларини ёзиб олиш билан;

ўчирилган йўлда, ушлаб қолувчи тормоздаги қолдиқ юкломани ўлчови билан, автоматик ишга туширилишини назорати;

роликлар, ролик балансирлар ва уларнинг элементларини (демонтажсиз, аммо кўтарувчи-тортувчи арқонни кўтариб туриб), кўтарувчи арқоннинг таянч башмақларини ва шкивларни визуал назорати;

барча механик ва тарангловчи қурилмаларни визуал назорати;

ҳаракатланувчи состав ва қутқарув жиҳозларини визуал назорати ва ишлаши назорати, машқ ўтказилиши билан биргаликда;

ходимнинг ҳимоя воситаларини визуал назорати ва ишлашини назорати;

арқонларни визуал ва (ёки) электромагнит (зарурат бўлганда) назорати;

арқонлар учларининг маҳкамланиш назорати;

сигнал арқонларини визуал назорати, уларни жойлашуви, боғланиши ва маҳкамланиши назорати;

барча электржиҳозлари ва ускуналарининг ҳолатини визуал назорати ва ишлаши назорати;

ток зўриқиши, кучланиш ортиши, заминлаш ва яшиндан ҳимоя қурилмалари назорати;

назорат занжирлари, сигнал ва узатувчи қурилмаларнинг ишлаши қобилияти назорати ва юзаки назорати;

изоляцияга эга арқонларнинг изоляцияси қаршиликлари назорати;

анемометрларнинг визуал назорати ва ишлаши назорати;

ҳар бир ҳаракатланув состави воситаси алоҳида, осмалар, юриш механизмлари ва осма ўқлари билан биргаликда, визуал назорати;

барча ажраладиган ва ажралмайдиган қисқичларни махсус стенда арқон билан илашувчанлигини текшируви (одатда мавсум бошланишидан олдин). Қисқичларнинг камида 10% тортиб олувчи кучланиш билан текширилади;

барча ажраладиган ва ажралмайдиган қисқичларни сиқиш кучланишини ўлчаш;

хамма қисқичларнинг 20% ни тўлиқ қисмларга ажратиш. Агар биронта қисқичда нуқсонлар (дарз кетиш, деформация, пружиналар парчаланиши) аниқланса, у ҳолда хамма қисқичлар 100% қисмларга ажратилиб кўрилади;

қисқичларни назорати қурилмаларини ишлаши ва ростланганлиги назорати, ва ишчи илашишмаган ҳолатдаги қисқич кучини ўрнатиш;

барча эшиқлар, ёпувчи ва секинлатувчи қурилмалар ишлашининг назорати;

юкломани ўлчаш ва йўловчилар сонини ҳисоблаш қурилмалари назорати;

тормозларнинг ишлашини, қолдиқ кучланиш ва буксирлаш кучланиши ўлчови билан бирга, назорати;

кўчкига қарши иншоотларнинг, тўсиқларнинг, ёнғинга қарши жиҳозларнинг, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш воситаларининг, махсус инструментларнинг визуал назорати.

8. Арқонли йўлнинг асосий элементларини махсус ревизияси фойдаланиш бўйича

йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Бундай талаблар кўрсатилмаган ҳолларда махсус ревизия қуйидаги муддатларда ўтказилиши лозим:

ҳар 5 йилда – осма арқонли йўлларнинг юритмалари ва тормозларини тўлиқ разборкаси;
арқонлар – 11-бандга мувофиқ;

камида 50% қисқичлар тўлиқ разборка билан бирга қуйидаги муддатларда:

ечиб олинувчи қисқичлар учун 3000 соат ишидан сўнг, аммо 2 йилдан узоқ бўлмаган муддатда. Ушбу муддат 4.5 минг соатга ва мувофиқ равишда 3 йилга, қисқичнинг разборка қилинмаган ҳолатида унинг функционал қисмларини назорат қилиниши имкони бўлган қисқичлар учун узайтирилиши мумкин;

ечиб олинмайдиган қисқичлар учун 4.5 минг соатдан сўнг, аммо 3 йилдан узоқ бўлмаган муддатда.

Ўтказилувчи назорат тури, зарурий белгиланаётган қийматлар ва қўйимлар (допусклар) ҳамда ишлашдаги носозликлар амалдаги стандартларга ва меъёрларга кўрсатувлар келтирилган ҳолда ишлаб чиқарувчининг ҳужжатларида кўрсатилади.

9. Қисқичлар фойдаланиш бошланганидан сўнг 10 йилдан кейин ва кейинчалик ҳар икки йилда, дарз кетишлар йўқлигига бузилмасдан назорат қилиш усуллари билан назорат қилинади.

10. Камида 25 % қисқичлар ишлаб чиқарувчи ташкилот дастури бўйича қуйидаги муддатларда синовдан ўтказилади:

ечиб олинувчи қисқичлар учун 9 минг соатдан сўнг, лекин 5 йилдан узоқ бўлмаган муддатда;

ечилмайдиган қисқичлар учун 18 минг соатдан сўнг, лекин 10 йилдан узоқ бўлмаган муддатда, кейинчалик ҳар 9 минг соат ишдан сўнг; лекин 5 йилдан узоқ бўлмаган муддатда.

11. Ҳар йилги ревизиядан сўнг арқонли йўл техник кўрувдан ўтказилади. Техник кўрув эксперт ташкилот томонидан ўтказилади.

Осма йўллар қуриш ва улардан
 фойдаланишда хавфсизлик
 Қоидаларига
 9-ИЛОВА

ОАЙЙ ПАСПОРТИ

ОАЙЙ « ___ » _____ й. да

Ҳисобга олиш рақами

Йўлнинг номланиши

ОАЙЙ эгаси бўлган ташкилот

Йўлнинг мақсади

1. ОАЙЙ техник тавсифи

Йўлнинг тури _____

Иш режими _____

Ўтказувчанлиги (бир томонга), одам/соат _____

Ҳаракат тезлиги, _____

Бир томонга юриш вақти, мин _____

Ҳаракатланувчи состав (вагонлар, ўриндиқлар, кабиналар) _____

тури _____

сиғими _____

ўз массаси, kg _____

фойдали юклама, N _____

трассадаги вагонлар, ўриндиқлар, кабиналар сони _____

ўриндиқларга (кабиналарга) ўтириш оралиғи, с _____

Ўриндиқлар (кабиналар) орасидаги масофа, m _____

Қутқарув вагонининг ҳаракатланиши тезлиги, m/s _____

Йўлнинг узунлиги, м _____

Изнинг эни, м _____

Юқори бекатнинг пастки бекатдан баландлиги, m _____

Таянчлар сони _____

Таянчлар баландлиги, m _____

Таянчлар орасида арқоннинг максимал қиялиги, % _____

Юритувчи шкивдаги максимал айланма кучланиш, N _____

2. Юритма тавсифи

| Юритма тури | Шкив | | Иш жараёнида максимал узатиш сони | | Двигатель | | | Редуктор | | Ишчи тормоз | | | | Авариявий тормоз | | | | | |
|-------------|---------|-----------|-----------------------------------|------------------------|-----------|---------|---------|----------|-------------|-------------|------|-------------|-------------|-------------------------|-------------|------|-------------|-------------|-------------------------|
| | диаметр | футеровка | асосий двигателнинг | захиравий двигателнинг | тури | Куввати | валнинг | тури | узатиш сони | сони, донга | тури | юритма тури | Тормозланиш | тормозланишнинг энг кўп | сони, донга | тури | юритма тури | Тормозланиш | тормозланишнинг энг кўп |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

3. Бекатлар, таянчлар металлконструкциялари асосий элементлари ҳақида маълумот

| Бекатнинг, таянчнинг номланиши | Пўлат | | Электродлар, пайванд сими | | Илова |
|--------------------------------|-------|-------------|---------------------------|-------------|-------|
| | марка | ГОСТ ёки ТУ | тури, марка | ГОСТ ёки ТУ | |
| | | | | | |

4. Арқонлар тавсифи ва противовеслар массаси

| Арқон Канат | Арқон конст-рукцияси. ГОСТ | Арқон диаметри, mm | Арқон узунлиги, m | Чўзилишда симнинг вақтинчалик қаршилиги N/mm^2 | Арқоннинг умумий узилишга юкланиши (kN) | Арқоннинг энг юқори статик тарангликлиги, N | Мустаҳкамлик захираси коэффициентлари |
|---|----------------------------|--------------------|-------------------|--|---|---|---------------------------------------|
| Кўтарувчи | | | | | | | |
| Кўтарувчи-тортувчи | | | | | | | |
| Тортувчи: юритувчи тарангловчи юритувчи-тарангловчи айлангириб ўтувчи | | | | | | | |
| Кутқарув вагонининг тортувчиси | | | | | | | |
| Кўтарувчи арқоннинг тарангловчи | | | | | | | |
| Кўтарувчи-тортувчи арқоннинг тарангловчи | | | | | | | |
| Тортувчи арқоннинг тарангловчи | | | | | | | |
| Кутқарув вагонининг тортувчи арқонининг тарангловчиси | | | | | | | |
| Вантлар учун | | | | | | | |

ОАЙЙ иши шамолнинг тезлиги _____ m/s дан кам бўлганда рухсат этилади.

5. Хавфсизлик ускуналари

Авариявий ўчиргичлар _____
(ўрнатилиши жойи)

Аварийные выключатели _____
(место установки)

Ушлагич
Тури

Тормозланиш кучи
Тормозланиши йўли

Кўрсаткичлар:
Вагонларнинг ҳолатини
Тезликнинг

Сигнал ускуналари

| № | Ускуна номи | Мўлжалланиши | Ўрнатилиш жойи |
|---|-------------|--------------|----------------|
| | | | |

Анеморумбометр (анемометр) _____

Блокировкалувчи қурилмалар _____

6. Электр токи тури ва кучланиши

| Занжир | Ток тури | Кучланиши, В |
|-------------------|----------|--------------|
| Куч | | |
| Бошқарувчи | | |
| Ишчи ёритув | | |
| Таъмирлаш ёритуви | | |

7. Йўлни бошқариш жойи

8. ОАЙЙ синови

ОАЙЙ ишчи юклама остида _____ цикл давомида тажрибан ўтказилди.

Ҳаракатланувчи состав _____ kg остида _____ мин давомида тажрибадан ўтказилган.

Ушлагич 6-иловада келтирилган йўрикномага мувофиқ тажрибадан ўтказилган.

ОАЙЙ мазкур Қоидалар, ГОСТ, СНиП ва ТУ ларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ишланган бўлиб, паспортда кўрсатилган параметрларда ишлатилишга лойиқ.

Лойиҳа бош муҳандиси

Монтаж бошқарма бош муҳандиси

Йўлнинг эгасининг бош муҳандиси

9. Йўл бошлиғи

| | | |
|----------------------------|-----|------|
| Тайинланиш ҳақидаги буйруқ | ФИШ | Имзо |
|----------------------------|-----|------|

| | | |
|------------------|--|--|
| рақами ва санаси | | |
| | | |

(камида 3 варақ)

10. Арқонларни, арқонлар муфталарини, ҳаракатланувчи составнинг алмаштирилиши ва арқонларни счалка қилиниши бўйича маълумотлар

(камида 10 варақ)

11. Техник кўрик натижалари ҳақида ёзув

| | | |
|--------------------------------|-------------------------|------------------------------|
| Техник кўрик ўтказилиши санаси | Техник кўрик натижалари | Кейинги техник кўрик муддати |
| | | |

(камида 30 варақ)

12. Рўйхатга олиш

ОАЙЙ № _____ рақам остида _____ да
 _____ томонидан
 рўйхатга олинган.
 (рўйхатга олувчи орган)

Паспортда _____ бет рақамланган.

Жами _____ варақ жилдланган, шу жумладан _____ варақ чизмалар.

Мў _____

(Рўйхатга олувчи шахс ФИШ, имзоси)

« ____ » _____ Г

Паспортга қуйидаги қўшимча чизмалар киритилиши лозим:

йўл трассасининг бўйлама профил;

бекатлар режаси ва ўлчамлар;

таянчлар, юритма, ҳаракатланувчи составнинг умумий кўриниши;

ОАЙЙ бошқарув схемасининг, сигнализация ва ёритилиш занжирлари билан биргаликдаги, принципаал чизмаси, ҳамда ерга сим билан улаш бўйича кўрсатмалар.

Бундан ташқари паспортга лойиҳаловчи ташкилот томонидан қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- 1) жиҳозларнинг тез ейилувчан деталлари комплекти;
- 2) Куч ва бошқарув занжирларининг принципаал ва монтаж схемалари (ишлар таърифи билан);
- 3) Муфталарни қотишмалар билан қуйиш ва арқонларни муфталарда поналар билан қотириш йўриқномалари;
- 4) Арқонларни счалка қилиш йўриқномалари;
- 5) ОАЙЙ фойдаланиш йўриқномалари, йўлнинг мажбурий тўхтатилган ҳолатларда йўловчиларни эвакуация қилиш кўрсатмалари билан бирга;
- 6) касб йўриқномалари;
- 7) Ушлагичнинг ишлагини ҳолатида вагоннинг тормозланиш йўли ҳисоблари.

Осма йўллар қуриш ва улардан
 фойдаланишда хавфсизлик
 Қоидаларига
 10-ИЛОВА

**Вагонларнинг ушлагичларини ишга тушишини ва тормоз кучланиши текширувнинг
 акти шакли**

№ _____ ОАЙЙ _____

(йўлнинг ва эгасининг номланиши)

« ____ » _____ й.

Раис _____

Аъзолар _____

таркибидаги Комиссия № _____ вагонда ўрнатилган ушлагични текширувдан ўтказди.

1. Ушлагич механизмининг ишлашини текшируви:

- вагоннинг ўнг тарафидаги тортувчи аркон бўшашганида ушлагич ва унинг контакти ёрдамчи арконнинг _____ kg тортилганида ишга тушди.

- вагоннинг чап тарафидаги тортувчи аркон бўшашганида ушлагич ва унинг контакти арконнинг _____ kg тортилганида ишга тушди.

2. Ушлагичнинг тормоз кучини текшириш:

- тортувчи канат бўшашганида _____
 (текширув натижалари)

- тарангланишни бўшаганида _____
 (текширув натижалари)

Юқоридагиларга асосланган ҳолда Комиссия ушлагич _____

(текширувдан ўтди/ўтмади ва ишлатилишга лойик/лойик эмас)

деб ҳисоблайди

Текширувлардан кейин ушлагичда, арконларда, вагонда шикастланишлар аниқланди (аниқланмади) _____

Имзолар

Маятникли ОАЙ вагонининг ушлагичининг ишга тушишни ва тормоз кучини текшириш бўйича йўриқнома

1. Вагоннинг ушлагичи механизмини текширишда аввал ушлагич ва юриш аравачаси диққат билан кўриб чиқилади, ҳамда кўтарувчи аркон ва ушлагичнинг лабчалари орасидаги тирқиш ўлчанади.


барча аниқланган камчиликлар бартарф қилинади, тирқишнинг қиймати лойиҳадаги катталиқдан фарқ қилган ҳолда тирқиш ростланади.

2. Ушлагич механизми бекатлар майдончаларида синалади.


3. Ушлагичнинг автоматик ишга тушиши қобилияти тортувчи арконнинг таранглиги, вагоннинг у ва бу тарафидан кетма-кет, камайтирилганлиги ҳолатида текширилади. Тортувчи аркон таранглиги, бир учи тортувчи арконга иккинчи учи эса вагондаги блок орқали лебедкага 1-расмда кўрсатилгандек уланган ёрдамчи аркон ёрдамида, камайтирилади.

Ёрдамчи арконда динамометр ўрнатилади.

Ушлагичнинг механизми соз деб ҳисобланади агарда у тортувчи аркондаги таранглик қиймати, тортувчи арконнинг противовеси томонидан вужудга келтириляётган тарангликнинг $1/10$ дан $1/4$ қийматигача бўлганида ишга тушса.



1-расм. Ушлагичнинг ишга тушишни синов қилиш учун вагоннинг жойлаштирилиши схемаси: 1-ёрдамчи аркон; 2-йўналтирувчи ролик; 3-динамометр; 4-қисгичлар.



2-расм. Ушлагичнинг тормоз кучини текшириш учун вагонни ўрнатилиши схемаси: 1-динамометр; 2-ёрдамчи аркон; 3-ўтказувчи шкив; 4-кўтарувчи аркон; 5-тортувчи аркон.

4. Ушлагичнинг тормозланиш кучи динамометр ёрдамида ўлчанади, бунинг учун:

а) ёрдамчи арқон, 2-расмда кўрсатилганидек, захираланади;

б) ушлагич ёқилади;

в) тортувчи арқон ёрдамчи арқон воситасида бўшаштирилади;

г) тортувчи арқон бўйлаб ушлагичнинг лабчаларини сирпаниши бошлангунича лебедка ишга туширилади;

д) динамометрнинг кўрсаткичларига қараб ушлагичнинг тормозланиш кучи белгиланади.

Вагон қия жойда турган ҳолда, тормозланиш кучи вагон олдинган ҳаракатланганидаги қиймати $F_{\text{Олд}}$ ва орқа юришидаги қиймати $F_{\text{Орк}}$ қийматлари ўлчанади, бунда ҳақиқий тормоз кучи F қуйидагига тенг:

$$F = (F_{\text{Олд}} + F_{\text{Орк}}) / 2$$

Агарда ҳақиқий тормоз кучи қиймати ҳисобий қийматдан 5% ва ундан ортиқ кам бўлса, ушлагич ростланиши ва қайтадан синов ўтказилиши лозим. Синовлар натижалари қуйида келтирилган шаклдаги актда қайд этилади.

Осма йўллар қуриш ва улардан
фойдаланишда хавфсизлик
Қоидаларига
12-ИЛОВА

ОАЙЙ йўловчиларни ташишда атроф муҳитнинг ҳарорати

| Ҳаракатланувчи состав тури | Атроф муҳитнинг ҳарорати -С° дан паст эмас бўлмаганда шамолнинг тезлиги кўпи билан | | |
|--|--|--------|--------|
| | 10 m/s | 15 m/s | 20 m/s |
| Очиқ ўриндиқлар | 26 | 15 | - |
| Ярим очик ўриндиқлар (кабиналар, вагонлар) | 30 | 20 | - |
| Ёпиқ вагонлар | 40 | 30 | 25 |

ОАЙЙ кўриқдан ўтказиш ва таъмирлар журнали
(тавсия этилади)

(Йўлнинг номланиши)

(ОАЙЙ эгаси)

1-шакл

Кўтарувчи арқон

| сана, ой, йил | Кўриқ натижалари | | | | | Дефектларни бартараф этиш чоралари Бажарилиш муддатлари, кимга топширилган | Кўриқ ўтказу шах имзо |
|---------------------|--|--|---|-------------------|--------|---|--------------------------------|
| | арқоннинг 2 m узунлигида симларнинг узилишлари сони | арқоннинг энг шикастланган жойидан анкер ёнидаги учигача масофа | Арқоннинг бутун узунлиги бўйича узилишларнинг умумий сони | Муфтлар ҳолати | | | |
| | | | | Ўтувчи | Якуний | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | | | | | | |

2-шакл

Тортувчи ва кўтарувчи-тортувчи арқон

| сана, ой, йил | Кўриқ натижалари | | | | Дефектларни бартараф этиш чоралари Бажарилиш муддатлари, кимга топширилган Эшиш жойлари | Кўриқни ўтказувчи шахс имзоси Эшиш жойлари | Ким томонидан, қачон ва қандай қилиб камчиликлар бартараф этилган Эшиш жойлари | Йў бош илова ва им Эш жойл |
|---------------------|--|--|---------------------------|-----------------------------|--|---|---|---|
| | Арқон ўрамси қадимида узилишлар сони | Энг шикастланган жойгача арқондаги белгиланган жойидан бўлган масофа | Эшиш жойлари ҳолати | Бошқалар Эшиш жойлари | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | |
| | | | | | | | | |

3-шакл

Кўтарувчи арқоннинг тарангловчи арқони

| сана, ой, йил | Кўриқ натижалари | | | | Дефектларни бартараф этиш чоралари | Кў ўтк п им |
|---------------------|------------------|------------------|-----------------------------|----------------------------------|---|----------------------|
| | арқоннинг 2 m | арқоннинг энг | Арқоннинг бутун узунлиги | Муфтлар ҳолати Состояние муфт | | |
| | | | | | | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| | | | | | | | | |

8-шакл

Ҳаракатланувчи состав

| сана, ой, йил | Вагон, ўриндик (кабина) номери | Фойдаланиш бошланиши санаси | Кўрик натижалари | Дефектларни бартараф этиш чоралари Бажарилиш муддатлари, кимга топширилган | Кўрикни ўтказувчи шахс имзоси | Ким томонидан, қачон ва қандай қилиб камчиликлар бартараф этилган | Йўл бошлиғи иловалари ва имзоси |
|---------------------|---|-----------------------------------|---------------------|---|--|--|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | | | | | | |

9-шакл

Ҳавфсизлик жиҳозлари. Сигнализация ва алоқа аппаратураси

| сана, ой, йил | Кўрилатган объект | Кўрик натижалари | Дефектларни бартараф этиш чоралари Бажарилиш муддатлари, кимга топширилган | Кўрикни ўтказувчи шахс имзоси | Ким томонидан, қачон ва қандай қилиб камчиликлар бартараф этилган | Йўл бошлиғи иловалари ва имзоси |
|---------------------|----------------------|---------------------|--|-------------------------------------|--|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| | | | | | | |

10-шакл

Жиҳозларни таъмирлаш

| сана, ой, йил | Ишлар тавсифи | Механик имзоси | Йўл бошлиғи иловалари ва имзоси |
|------------------|---------------|----------------|------------------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | | | |

10-шакл ОАЙЙ механики томонидан юритилади. 2-устунга таъмирлаш бўйича ишлар тавсифи, алмаштирилган қисмларнинг номлари: арқонлар алмаштирилиши, уларни мойлаш, жиҳозларни текшириш ва бшқ. Кўрсатилган ҳолда тўлдирилади.

Янгидан ўрнатилган арқонлар, таъмирлашда фойдаланилган материаллар, электродлар сифатини, ҳамда пайвандлаш сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар алоҳида папкадан сақланиши лозим.

Осма йўллар куриш ва улардан
фойдаланишда хавфсизлик
Қоидаларига
14-ИЛОВА

**ОАЙЙ ишини ҳисобга олиш ҳамда сменани топширишни қайд қилиш журнали
(тавсия этилади)**

(йўлнинг номланиши)

(ОАЙЙ эгаси)

| сана, ой, йил | смена бошланиш и ва тугаши вақти | ОАЙЙ ишининг тўхтатилиши вақти | | | ОАЙЙ тўхтатили ши сабаблари | Сменани топширд и | Сменани қабул қилди | Иловалар |
|------------------|--|-----------------------------------|------------|-----------------|--------------------------------------|-------------------------|---------------------------|----------|
| | | Бошла ниши | Тугаш и | Давоми йлиги | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| | | | | | | | | |

Журнални юритиш бўйича йўриқнома

Журнал юритувчи бекатда бўлиб, у машинист томонидан юритилади.

9 устунга йўлнинг тўхтатилиши сабаблари батафсил киритилади, 12 устунга смена давомида аниқланган носозликлар киритилади.

Журнални юритиш тартиби

Журнал юритувчи бекатда бўлиб, у машинист томонидан юритилади. 1-9 шакллар қуйидагилар учун юритилиши лозим:

1 – ҳар бир кўтарувчи арқон учун алоҳида.

Кўтарувчи арқонлар учун бундан ташқари, симларнинг узилишлар жойи ва сони кўрсатилган арқонларнинг шикастланишлари схемаларига эга бўлиши зарур.

2 – тортувчи арқонлар учун алоҳида.

Айланма йўлларда – кўтарувчи-тортувчи арқонлар учун.

3 ва 4 – ҳар бир кўрсатилган арқон учун алоҳида.

5 – ҳар бир тарангловчи мослама учун алоҳида.

6 – ҳар бир таянч учун алоҳида.

7 – ҳар бир бекат учун алоҳида.

9-шаклда ишчи ва авариявий ўчиргичлар, тезликни чегараловчи ва бошқа хавфсизлик қурилмалари ва жиҳозларининг ҳамда сигнализация ва алоқа аппаратурасининг ҳолати кўрсатилади.

Ойлик, чорак ва йиллик кўриқлар бўйича ёзувлар бошқа ёзувлардан чизик билан ажратилади.

Текширилаётган объектни соз бўлган ҳолатида тегишли устунларда (“соз”) деб ёзилади, акс ҳолда нима носозлиги аниқ киритилади.

Мазкур Қоидаларда фойдаланилган терминлар ва уларнинг таърифи

| № | Термин | Таърифи |
|----|---------------------------------------|--|
| 1 | Осма арқонли йўловчилар йўли | Ҳаракатланувчи составда йўловчиларни осма арқон бўйлаб ташишга мўлжалланган иншоот |
| 2 | Бир арқонли айланма ҳаракатли йўл | Кўтарувчи-тортувчи арқонга доимий маҳкамланган ўриндиклар ёки кабиналар узлуксиз айланма ҳаракат қилувчи йўл |
| 3 | Бир арқонли узилиб ҳаракатланувчи йўл | Кўтарувчи-тортувчи арқонга доимий маҳкамланган ўриндиклар ёки кабиналар гуруҳлари, бекатларда ўтишда тўхтатилувчи ёки тезлиги пасайтирилувчи тартибда узилиб-узилиб айланма ҳаракатланувчи йўл |
| 4 | Бир арқонли маятникли йўл | Кўтарувчи-тортувчи арқонга доимий маҳкамланган битта ёки бир гуруҳ кабиналарга эга маятникли ҳаракатли йўл |
| 5 | Икки арқонли маятникли йўл | Кўтарувчи арқон бўйлаб тортувчи арқонга доимий маҳкамланган вагонларга эга маятникли ҳаракатли йўл |
| 6 | Кўтарувчи-тортувчи арқон | Унга маҳкамланган ҳаракатланувчи составни ҳаракатлантириш учун арқон |
| 7 | Кўтарувчи арқон | Ҳаракатланувчи состав юривчи арқон |
| 8 | Тортувчи арқон | Кўтарувчи арқон бўйлаб ҳаракатланувчи составни юритувчи арқон |
| 9 | Ҳаракатланувчи состав | Арқонли йўл йўловчиларни жойлаштириш учун восита |
| 10 | Ўриндик | Очиқ ёки яримёпиқ, биттадан тўрттагача йўловчини олиб юришга мўлжалланган ўриндик кўринишидаги ҳаракатланувчи состав тури |
| 11 | Кабина | Туриб ёки ўтириб иккитадан олтигагача йўловчини олиб юриш учун мўлжалланган яримёпиқ ёки ёпиқ ҳаракатланувчи состав тури |
| 12 | Вагон | Туриб 6 кишидан кўп йўловчини олиб юришга мўлжалланган ҳаракатланувчи состав тури |
| 13 | Таянч | Йўл линиясида арқонларни ушлаб турувчи иншоот |
| 14 | Таянч башмаки | Таянчлар ва бекатларда кўтарувчи ва тортувчи арқонларни ушлаб турувчи мослама |
| 15 | Роликли балансир | Таянчга ўрнатилган, кўтарувчи-тортувчи арқонни ушлаб туришга мўлжалланган роликлар тизими |
| 16 | Пролет | Йўлнинг таянчлари орасидаги масофа |
| 17 | Ушлагич | Вагон аравачаси ўрнатилган, тортувчи арқон узилганда кўтарувчи арқонни ушлаб олувчи қурилма |